

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қ.ЭРГАШЕВ, И.ШОДМОНҚУЛОВ**

**ПРЕЗИДЕНТ И.А. КАРИМОВНИНГ “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ –  
ЕНГИЛМАС КУЧ” АСАРИНИ ЎРГАНИШ**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ – 2009**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлдош ЭРГАШЕВ, ИСМОИЛ ШОДМОНҚУЛОВ**

**ПРЕЗИДЕНТ И.А. КАРИМОВНИНГ “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ –  
ЕНГИЛМАС КУЧ” АСАРИНИ ЎРГАНИШ**

**Ўқув – услубий қўлланма**

**ТОШКЕНТ – 2009**

Т.ф.д., проф.Қ.Эргашев, т.ф.н., доц.И.Шодмонкулов  
**Президент И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч”  
асарини ўрганиш юзасидан ўқув – услубий қўлланма.**

Ушбу қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг бугунги кун зарурияти асосида ва ўз вақтида ёзилиб, нашр этилган “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг мазмун – моҳияти, унда илгари сурилган ғоялар, юртбошимизнинг долзарб масалалар юзасидан кўрсатмалари баён этилиб, асарни ўқувчи ва талаба ёшлар томонидан ўрганишнинг янгича услубий йўналиши кўрсатилган.

Қўлланмадан нафақат ёшлар, хатто катта ёшдаги инсонлар ҳам фойдаланишлари ва саволларнинг катакчалардаги жавобларини топишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: проф.**Х.Ҳамидов**  
Тақризчилар: т.ф.д. проф.**К.Каримов**  
т.ф.н. доц.**Н.Эргашев**

## Кириш

Инсоният тарихи ҳар жихатдан мукаммал инсонни шакллантиришга уриниш тарихидан ҳам иборатдир. Инсон ўзини танигандан буён ўз шахсини такомиллаштиришга ҳаракат қилади. Ўтган буюк олиму – фузалолар бу борада бош қотирганлар. Ҳаётда мўл-кўл моддий неъмат эгаси бўлиш, ундан истаганча истифода этиш билан бирга, инсон маънавий неъматлардан баҳраманд бўлмоғи, бўлганда ҳам, моддий неъматлардан ҳам кўпроқ даражада озиқланмоғи лозим, деган хулосага келганлар. Бу хулосадан ҳам жисмонан, ҳам маънавий уйғунлик тажассум бўлган идеал инсонни юзага келиши кутилган.

Маълумки, жамиятда маънавиятга эҳтиёж бўлмаса, у ҳеч қачон пайдо ҳам бўлмайди, ривожлана ҳам олмайди. Эҳтиёжнинг ўзи ҳам маънавият даражаси билан белгиланади. Маънавий камолотга интилиш инсоннинг моҳияти билан боғланган фазилатдир. Маънавиятнинг ривожланиши жамият тараққиёти ва шахс камолотига ижобий таъсир кўрсатади.

Дунёда ўзбеклар каби бутун ҳаётини, турмуш тарзини маънавият асосига қурган ҳалқ бўлмаса керак. Дарҳақиқат, ҳаётнинг қайси соҳасини олиб қараманг у маънавият қонуниятларига асосланганлигига гувоҳ бўласиз. Масалан, бозордаги савдо – сотиқни олинг. Аслида савдо – сотиқдан кўзланган асосий мақсад фойда, моддий эҳтиёжни қондириш. Лекин ўзбек шу ишни ҳам маънавият асосида амалга оширади. Яъни, савдо – сотиқда ҳаллолик, ўзаро розилик инсоф – диёнатни- маънавий омилларни биринчи ўринга қўяди.

Халқимиз ҳар бир ишга маънавият асосида ёндашишга интилгани, уни ҳаётининг маъно – мазмуни деб билгани боис Президентимиз Ислом Каримов сиёсатида у устувор йўналишлардан

бирига айланди. Юртбошимиз бу борадаги устувор тушунча ва тамойилларни истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ ёзган маънавият тўғрисидаги асарларида ҳар томонлама чуқур асослаб, уларни фалсафий фикр ва хулосалар билан бойитган эди. Бу мулоҳазалар аввало халқимизнинг тарихий тажрибалари, бой илмий мероси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, Шарқ ва Ғарб фалсафаси ва тафаккуридаги илғор ғояларга асосланганлиги билан эътиборга сазовордир.

Юртбошимизнинг маънавият масаларини кенг таҳлил этиш, унинг асосий тамойилларини бугунги мураккаб технология жараёнга татбиқ этиш борасидаги хизматлари ҳақида гапирар эканмиз, аввало ижтимоий гуманитар фан тараққиётига қўшган назарий хулосаларидан бири – маънавиятнинг ижтимоий илдизлари, унинг фақат инсонгагина хослиги, жамият тараққиётидаги бекиёс аҳамияти ҳақидаги назарияни таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлаймиз.

Президент И.А.Каримовнинг 2008 йилда нашр этилиб, кенг китобхонлар оммасига тақдим этилган “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асари юртбошимизнинг шу пайтгача билдирган маънавият тўғрисидаги фикрларини тўлдирибгина қолмасдан, уларни илмий – назарий қоидалар ва хулосалар билан бойитди.

Асар бугунги кун зарурияти туфайли дунёга келди. “Дунёдаги зўравон ва тажовкор кучлар айрим халқларни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга урунаётган, ... маънавиятга қарши қаратилаётган ҳар қандай таҳдид ўз – ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарларга айланиши ва охир – оқибатда жамиятни инқирозга олибкелиши мумкин”<sup>1</sup> бўлган бир пайтда бу асарнинг чоп этилиши аини муддао бўлди.

---

<sup>1</sup> И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2008.-11-12- бетлар.

Ҳозирги мураккаб шароитда мамлакат келажаги учун бундай хатарларга қарши ҳалқимиз бир тану – бир жон бўлиб курашмоғи зарур. Бу хатарларга қарши турмоқ учун нималар қилишимиз эса айнан мана шу китобда кўрсатиб берилган. Маънавиятга биринчи марта ҳаққоний илмий-назарий таъриф берилганлиги, уни шакллантирадиган асосий мезонлар, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг маънавий мезонларининг асослаб берилганлиги, маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги, миллий ғоя ва маънавий ҳаёт, жамият янгиланишида маънавиятнинг ўрни, глобаллашув жараёнлари ва ундаги маънавий таҳдидлар, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя масалаларининг чуқур ўрганилганлиги, инсон қалбига қандай йўл топиш, энг буюк жасорат нималигининг асарда илмий таҳлил этилиб, назарий хулосалар чиқарилганлиги асарнинг чуқур маъно – мазмунга эгалигини, асар қиммати нақадар юксак эканлигини кўрсатиб турибди.

Асарнинг ҳар бир ғояси ёш авлод ва унинг тарбияси, бу авлод тарбияси билан чамбарчас боғланган тизимлар ҳамда бу тизимларда хизмат қилаётган инсонларга қаратилган. Айнан уларнинг бу борадаги вазифалари белгилаб берилган. Булардан келиб чиқилган ҳолда асарнинг мактаблар, академик лицейлар, касб – ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари ўқувчилари ва талабалари томонидан ўрганишини йўлга қўйилиши ҳам асарнинг бугунги кун учун аҳамияти ва асардаги вазифаларнинг муҳим ва зарурлигидандир.

Президент асарининг 2008 – 2009 ўқув йилида олий таълим муассасаларида ўрганилиши тажрибалари ҳам унинг мазмун – моҳияти, ундаги ғоялар талаба ёшларимиз учун нақадар кераклигини, уни ўрганишни янада кенгайтиришни, дарсларни турли янги услублар ва йўналишлар асосида олиб бориш лозимлигини, айниқса асарни ўрганиш жараёнидан ҳеч ким четда қолмаслигини, унинг ҳамма учун бирдек зурурлигини кўрсатди.

Шу боис, биз дарс жараёнларида барча талабалар диққатини бир жойга тўплайдиган, уларни ўйлашга, фикрлашга, мушоҳада этиб, жавоб топишига қаратилган бир таълим – тарбия услубидан фойдаландик ва имкон қадар шу йўналиш асосида асар мазмун – моҳиятини талабалар онгига сингдиришга ҳаракат қилдик.

Тажрибада синалган, “Мўъжизалар майдони” ўйини асосидаги бу услубий йўналишимиз натижаларини эътиборга олиб, ушбу ўқув – услубий қўлланмамизни ҳам шу йўсинда ёзишга ҳаракат қилдик.

Бу йўналишда асар мазмуни асосида тузилган саволларда имкон қадар асардаги ғоялар ва муаллиф фикрларини кенгрок беришга, савол якунини катакчалардаги жавоблар билан боғлашга ҳаракат қилдик. Шу боис ушбу қўлланмадан нафақат талабаларимиз, балки бу асарни ўрганишга қизиққан барча кишилар ҳам фойдаланишлари ва ундаги саволларни ўқиб, асар мазмунидан воқиф бўлишлари ва жавобларни топишга ҳаракат қилишлари мумкин

Бу асарни ўқиб, уни чуқур ўрганган кишиларгина маънавиятни англашлари ва юксак маънавиятга эришишлари мумкин.

Маънавияти юксак, одоб – ахлоқли, маърифатли, маданиятли кишиларгина элим, юртим деб яшайди, бировларга ҳиммат – мурувват кўрсатишни, ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак бериш ва тўғри йўл кўрсатишни ўзи учун бахт деб билади. Юксак маданият соҳиби бўлган инсонлар бошига мушкул иш тушган кишининг мушкулени осон қилади, дардига малҳам бўлади, ҳожатини чиқаради, етим – есирларни парвариш қилади. Маънавиятли, маърифатли кишиларда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуси, орият кучли бўлади. Ана шундай фазилатларга эга бўлган кишилар ўз миллати, эл – улуси манфаати шарафини ҳимоя қилишни ўзи учун шон – шараф деб билади, Ватанига хавф туғилса, унинг ҳимояси йўлида мол – дунёсини, жону жаҳонини аямайди, фидойилик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатади.

Маънавий баркамол бўлган одамлар бировлар орқасидан гинахонлик қилмайди, гап ташимайди, фисқу фасод, бўхтонга нисбатан муросасиз бўлади, маҳаллийчиликка йўл қўймайди, гуруҳбозликка, миллат ажратишларга қарши астойидил курашади, миллий бирдамлик, миллий ҳамкорлик ва миллий ҳамжихатлик, ўзаро дўстликни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш йўлида тинмай ҳаракат қилади.

## **I-боб. Маънавият – инсоннинг улғайиши ва куч-қудрати манбаидир**

### **Кириш. Маънавиятни англаш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарининг **муқаддима** қисмида бу асарни ёзишга сабаб бўлган омиллар, маънавият соҳасидаги долзарб вазифаларга эътибор қаратилиб, асосий мақсад-муддаолар баён қилинган. Унда бугун биз тарихий бир замонда яшаётганимиз, халқимиз ўз олдига эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётганлиги алоҳида таъкидланган. Бу даврда халқимиз тақдирини ўз қўлига олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, илғор ривожланган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда асрлар давомида орзиқиб кутилган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётгани, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани, бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик бергани китобда ўз ифодасини топган. Шунингдек, асарда истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб танланган тараққиёт йўли олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий шarti билан биргаликда яна нимаси бўлганлиги асослаб берилган?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

Асар муқаддимасида маънавият соҳасидаги долзарб муаммо ва вазифалар чуқур таҳлил этилиб, халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, илмли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилиниши, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратилган. Бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни ошириш, қатъият ва масъулиятимизни йўқотмаслик, энг асосийси, мазкур соҳадаги ишларни қандай ҳолатга ташлаб қўймаслик талаб қилинган?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | К | А |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|

Китобда бир тушунчага эътибор қаратилиб: унга аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар мажмуини англатади деган таъриф берилган.

Бу хуружлар мажмуини англатадиган атама нима?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

Китобнинг **“Маънавият - инсонинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир”** деб номланган биринчи бобининг **“Маънавиятни англаш”** деб номланган биринчи бўлимида муаллиф “Маънавият” тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”. Ушбу таърифда инсоннинг ботиний ва зоҳирий табиати, асл моҳиятини белгиловчи ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларнинг ўзаро муштараклиги асослаб берилган.

Асарда Ер юзида турли миллатлар, халқлар, давлатлар бўлгани каби, инсонларнинг табиати ва хусусияти ҳам турфа эканлиги, уларнинг бир-биридан фарқли ҳаёт тарзи, урф-одат ва анъаналари, маданияти борлиги ва буларнинг барчаси ягона бир меъёр - билан ўлчаниши ёрқин мисоллар билан таҳлил этилган.

Бу қандай ягона меъёр?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Президентимиз асарда мустамлакачилик ва мустабид тузум даврида топталган маънавий-маърифий меросимиз, миллий қадриятларимизни

тиклаш ҳамда уларни замон талаблари асосида ривожлантириш ўта муҳим ҳаётий заруратга айланганлиги, истиқлол йилларида бу масала амалга оширилган туб ислохотларнинг негизини ташкил қилганлигини алоҳида таъкидлайди. Асарда ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўхна кадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият қуриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи бир ўлчов деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш доимо устувор вазифа бўлиб келганлиги мисоллар орқали кўрсатиб берилади.

Бу ўлчовнинг номини топинг?

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

Президент асарда инсон маънавий дунёси – нозик соҳа. Ундаги вазиятни осонликча, муайян фармон ёки қарор қилиш билан тузатиб бўлмайди. Уни ўнглаш учун йиллар давомида мунтазам ва сабр-тоқат билан мафкуравий, тарбиявий, маърифий иш олиб бориш, амалий чора-тадбирлар, ҳаётий ўзгаришлар жорий этиш тақозо этилади, деб таъкидлайди.

Асарда миллий маънавият ҳақида гапириб, у миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини қамрайди, уларни яхлит тизимда тутиб туради. Ўтмиш аجدодларимиз мероси бугунги жаҳон даражаси билан уйғунлаштирилса, мамлакатимиздаги воқе аҳволга татбиқ этилса, ундан келажак куртаклари униб чиқади, келажак сиймоси шаклланади, дейди.

Маънавиятсиз буюк келажак йўқ. Чунки уни роботлар эмас, инсонлар яратади. Инсонлар онги қандай бўлса, мамлакат келажаги ҳам шунга яраша бўлади. Энг катта бойлик – инсонларнинг бир қисмида яширин. Бу сармоя тобора кенгроқ миқёсда муомалага кирган сари, ҳосил унумлироқ бўлади, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятдаги мавқеи юксала беради, ўзбеклар ўз аجدодларига муносиб улуғворлик касб эта беради, деб қайд этилади, китобда.

Бу катта бойлик инсонларнинг қаерида яширинган?

|  |  |  |  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  | Д | А |
|--|--|--|--|--|--|--|---|---|

Президент И.А.Каримов асарда шундай ёзади: «Миллий маънавият десак, миллий биқиқликка йўл қўямиз, умуминсоний маънавият ҳақида фикр юритиш керак», деган гапни на маънавият нималигини, на миллийлик ва умуминсонийлик орасидаги нисбат қандай бўлишини тўғри тасаввур эта олмайдиган, илмий саводи чала одамларгина айтиши мумкин. Бир инсонга ўз миллий маънавиятини тугал англаб етиш учун ҳам, Аллоҳ юз йил умр берса, камлик қилади. Маълумки, ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз ҳаёт тарзини, келажагани аجدодларининг тарихий тажрибаси асосига қуради, ҳеч бир халқ бегона қолиплар, бегона андозалар асосида эмин-эркин яшаб, тараққий эта олмайди.

Умуминсоний қадриятлар ҳар бир миллат маънавиятида ўзига хос ва махсус тизим шаклида намоён бўлади.

Турли миллатлар маънавиятининг ўзига хослиги камалакдаги турли ранглар товланишига монанд бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, бойитади, аммо инкор этмайди, бир сўз билан айтганда, маънавият элларни зидлаштирмайди. Асарда қайд этилишича, умуминсоний қадриятларни бирор-бир алоҳида халқ яратмайди, бу қадриятларни ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўз тарихий тажрибаси билан аста-секин шакллантириб боради ва ўзаро турлича муносабатлар жараёнида элатлар, миллатлар бир-бирини тушуниб, ўзаро маънавиятларидаги умумий жиҳатларни бир тартибда англаб боради.

Асар муаллифи бир тартибда қандай йўналишни айтиб ўтган?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

Асарда кўрсатилишича, маънавият доимо миллий бўлади, шу билан бирга унда умуминсоний қадриятларга зид нарса ҳам бўлмайди, чунки ҳар бир миллатнинг мустақил маънавий дунёси, маънавий қиёфаси бир пайтнинг ўзида ички моҳиятига, ўзак томирларига кўра, ўзга халқдар маънавияти билан умумий жиҳатларга, бутун башариятни бирлаштириб турувчи

муштарак унсурларга эга бўлади. Маънавиятнинг юқорида эслаб ўтилган таърифини миллат маънавиятига татбиқ этадиган бўлсак, уни бемалол миллат руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан бир-бирига сингувчи маъносидаги бир сўз деб аташ жоиздир, деб ёзади И.А.Каримов.

Бу бир-бирига сингувчи маънони берадиган сўзни топинг?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

Мазкур асарда биз миллий урф-одатларимиз, маросимларимизга баҳо бермоқчи бўлсак, бутун инсоният манфаатлари нуқтаи назарини, алоҳида шахс эркинлиги, Ватан ва миллат манфаатларини, миллий қадриятларимиз мажмуини яхлит уйғунликда олиб қарамоғимиз талаб этилади, дейилади. Агар шу уйғунликка моҳиятан мувофиқ бўлса, ёхуд лоақал унга зид бўлмаса, демак, мақбул, аммо инсонлараро зиддият туғдирса, нифоқ солса ёки ўзга шахс эркини бўғса, Ватан ва миллат манфаатларига зид бўлса, демак, мақбул эмас. Муаллиф огохлантириб, биз миллий маънавиятимизни қадрласак, уни ривожлантиришга уринсак, қайсидир ўзга халқлар, сиёсий кучлар, биздан гумондор бўлиши мумкин, бизнинг тилимиз, динимиз, кийган кийимимиз ёки урф-одатларимиз уларнинг дидига ўтиришмаслиги, танлаган мустақил йўлимиз улар назарда тутган қолипларга мос келмай қолиши мумкин деб, ошиқча «андиша»ларга берилсак, демак, бу ҳануз онгимиздаги қарамлик асоратидир. Кўнглимизда Ҳақ нури билан бир ишга жазм қилар эканмиз, ўзгаларнинг ноўрин шубҳа-гумонлари билан ҳисоблашиш, деб ёзади Президент И.Каримов, ва бу хадексирашни ўзимизнинг бир мақолимиз билан таққослаб, шу мақол билан баробардир дейди.

Бу қайси мақол?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

Асар муаллифининг таъкидлашича, миллий маънавий мерос, қадриятлар тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг таркиби қуйидагилардан иборат:

- тарихий мерос ва тарихий хотира;
- маданий ёдгорликлар, осори-атиқалар, қадимий қўлёзмалар;
- илму-фан ютуқлари ва фалсафий тафаккур дурдоналари;
- санъат ва миллий адабиёт асарлари;
- ахлоқий фазилатлар;
- диний қадриятлар;
- урф-одат, анъана ва маросимлар;
- маърифат, таълим-тарбия ва ҳоказолар.

Миллий маънавий қадриятлар тизимида тарихий мерос ва тарихий хотира муҳим ўрин тутди. Маънавиятни юксалтириш ва халқнинг руҳини кўтаришда тарихий мерос ҳамда тарихий хотиранинг жуда катта аҳамияти бор. Тарихни ҳаққоний ўрганиш, ундан сабоқлар чиқариш лозим.

Ўзбек халқи жаҳон маданияти ҳазинасига муносиб ҳисса қўшган миллатлар қаторидан фахрли ўринни эгаллайди. Маданий ёдгорликлар, меъморчилик санъати намуналари, қадимий қўлёзмалар – миллий маънавиятнинг бебаҳо дурдоналари, халқимиз учун қандай бўлган бойликлардир.

Бу бойликларнинг халқимиз учун қандайлиги катакчаларда яширинган. Уни топинг?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|   |   |
|---|---|
| в | а |
|---|---|

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

Китобда Миллий маънавий қадриятлар тизимида ахлоқий сифатлар, диний қадриятлар муносиб ўрин эгаллаши ва миллий ўзликни англашнинг муҳим шарт, омили сифатида намоён бўлиши кўрсатилади. Ахлоқий ва диний қадриятлар аксари ҳолларда ўзаро боғлиқ бўлиб, жамиятнинг маънавий юксалишида, ёш авлод тарбиясида бирдек муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир халқ, миллат яратган маънавий қадриятлар, унинг дунёга қараши ва ҳаётга муносабати, ўзига хос бетакрор хусусиятлари, айниқса, урф-одат ва маросимларда тўлақонли намоён бўлади. Маросимчилик бир қатор ижтимоий функцияларни бажаради, миллий ўзликни сақлашда,

ёшларни тарбиялашда, муайян ғояларни руҳиятга сингдиришда катта аҳамият касб этади.

Тарбия ва таълимнинг миллий хусусиятлари ҳам маънавий кадриятлар тизимида ўз ўрнига эга. Халқнинг келажаги ёшларга боғлиқ эканлиги қанчалик ҳақиқат бўлса, буларни миллий руҳни тарбиялаш зарурати ҳам умумэтироф этилгандир. Асарда шу сабабдан миллатга хос бўлган бир жараён халқнинг ўз-ўзини сақлаш ва истиқболини таъминлаш омилидир, деб кўрсатилади.

Бу жараёнинг номини топинг?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

Истиқлолимиз туфайли бизнинг маънавий кдриятларимиз, ўтмиш аجدодларимиз қолдирган мерос, ўзининг бутун мукамаллигида, қайчиланмасдан, «прогрессив-реакцион» аталмиш зўраки қолипларга тиқиштирилмасдан тиклана бошлади. Куръони карим, ҳадиси шарифлар биринчи марта ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди, Носириддин Рабғузий, Аҳмад Яссавий, Убайдий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Бурхонуддин Марғинович, Абу Мансур Мотуридидий, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқа «совет даврида» ҳатто номларини эслаш ман қилинган алломаларимизнинг асарлари нашр этилиб, чанқоқ китобхонлар кўлига етиб кела бошлади. Давлат тили ҳақида қонун қабул қилинди. Тасаввуф пирлари - Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд юбилейлари миллатимизнинг руҳида покланиш туйғуларини уйғотди. Пойтахтимизнинг қоқ марказида соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг улуғвор мужассамаси ўрнатилиши ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди руҳида ҳақли ифтихор ҳисларидан ўчмас ёғду пайдо қидди. XX аср бошларида миллатни маърифат, адолат, ҳуррият сари етаклаган жаҳид алломаларимиз халқ дилидан яна муносиб ўрин ола бошлади. Бир ном билан ёппа қораланган миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари ўз кадрларига лойиқ баҳоландилар. Миллий озодлик учун курашган ватанпарваримиз қандай ном билан қораланган эдилар?

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

Ўтган 70 йиллик даврда маънавий меросни ўрганиш бўйича қилинган ишларнинг амалий томонлари - нашрлар, маълумотлар - бугун учун хизмат қилишга яроқли бўлса ҳам, гоёвий-назарий йўналишлар, талқин ва хулосалар, андаза ва тушунчалар - барчаси жиддий ва диққат билан қайта кўриб чиқишни талаб қилади ва бу миллий маънавиятимиз назариясини тўғри, аслига мувофиқ шакллантиришда ўта муҳим муаммолардан биридир, дея таъкидлайди И.А.Каримов.

Миллий ўзликни англаш айнан маънавий қадриятларни ўзлаштириш, ўз халқининг тарихи, маданий меросини ўрганиш, бугунги ҳолати ва эртанги истиқболини аниқ тасаввур этишдан бошланади. Ҳар бир инсоннинг меҳнати, фаолияти, ҳаётий мақсадлари маълум бир қадриятларга эришиш, моддий ва маънавий бойликларга эга бўлишга йўналтирилган бўлади.

Миллий маънавий қадриятлар кўп асрлик тарихга эга.

Миллий ўзликни англаш, тарихий хотирани тиклаш, келажакка ишонч ҳиссини яратиш учун маънавият, миллий маънавий қадриятлар бекиёс аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, миллий маънавий қадриятларнинг ҳар бир таркибий қисми халқнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва келажagini таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Китобда маросимлар, урф-одат ва анъаналар ҳар бир халқнинг қандай бойлиги ва, меросидир, деб қайд этилади?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

Асарда ёзилишича, маънавий қадриятларнинг аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёш авлоднинг «мулки»га айланиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бунинг учун шу миллат тақдири ва истиқболига бефарқ қарамайдиган илғор вакилларнинг саъй-ҳаракати талаб этилади. Моддий ва маънавий бойликлар, агар миллий тарбия тўғри йўлга қўйилмас экан, чанг босган китоблар, нураётган осори-атиқалар, мазах қилинадиган удумлар даражасига тушиб қолади.

Жамиятдаги турли кишиларнинг, ҳар хил гуруҳ ва табақаларнинг маънавий бойликлар ва мезонларга муносабати турлича бўлади. Ҳар бир шахс ва гуруҳ ўз манфаатларидан келиб чиқиб, қадриятларни идрок этади, ўз тарбияси ва савиясидан келиб чиқиб, маънавиятни ўзлаштиради.

Миллий маънавий қадриятлар ижтимоий ҳаётнинг ва маънавий борлиғимизнинг муҳим ва серқирра соҳаси бўлиб, инсон ва жамият камолотида муҳим аҳамият касб этади. Миллий қадриятлар муттасил ривожланиб, такомиллашиб боради. Буларнинг ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида шахслар томонидан ўзлаштирилиши эса бир-бирига чамбарчас боғланган икки муҳим нарсани талаб қилади, деб ёзади, Президент И.А.каримов.

Бу икки нарса нима?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

### **Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар**

Президент И.А.Каримовнинг ушбу асарининг **“Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар”** номли бўлимида бугунги кунда маънавиятимизга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонлар чуқур таҳлил қилиниб, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлайди ва **маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар** бу борадаги энг муҳим омиллар сифатида кўрсатилади.

Китобда аجدодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб кўлёмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиз экани ғурур билан таъкидланади. Асарда бир муқаддас

хазинанинг ўрни ва аҳамияти ҳақида батафсил фикр юритилади. Ундаги яхшиликка чорловчи тамойиларни ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли сабоқ манбаи дея таърифлайди.

Яхшиликка чорловчи бу тамойиллар катакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |

Асарда **халқ оғзаки ижодининг** ноёб дурдонаси бўлган «Алпомиш» достони қаҳрамонлик қўшиғи сифатида баҳоланади. Халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир дoston бўлса, «Алпомиш» ана шу дostonнинг шоҳ байтидир, деб урғу беради муаллиф. Бу дoston бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беришини, маънавий тарбия учун улкан аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Китобда халқимиз учун энг қадимий, миллий байрам - **Наврўз айёми** ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саҳоватининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси деб таърифланади. Уни халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват, эзгулик ва яна бир инсонларга хос юксак хусусиятларни шакллантирувчи омил сифатида фахр билан тилга олинади.

Бу инсонга хос қандай хусусиятдир. Уни топинг?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

Муаллиф асарда маънавиятнинг юксалиши билан узвий боғлиқ бўлган улкан мезон – **муқаддас динимиз** ҳақида ҳам алоҳида тўхталган. Ислom динини одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизими тарзида юксак баҳолайди. Шу билан бирга, бугунги кунда ислom динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётганига эътибор қаратади. Шу маънода, асарда халқимиз маънавиятини юксалтириш, руҳий покланиш, яхшилик ва

эзгуликка интилиб яшашда унинг таъсирини сақлаш мақсадида муқаддас ислом динимизни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш, асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, шу билан биргаликда яна ислом маданиятининг эзгу нималарини кенг тарғиб этиш вазифалари баён этилади. Кенг тарғиб этиш лозим бўлган ислом маданиятининг эзгу нималари?

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

Асарда буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданияти ривожига қўшган бетакрор ҳиссалари тўғрисида сўз юритилиб, энг аввало, ҳақли равишда мусулмон оламида «муҳаддислар султони» деб ном билан улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий тўғрисида, унинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китобининг аҳамияти ҳақида юксак эҳтиром билан сўз юритилади. Шунингдек, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий, Имом Мотуридий каби улуғ зотларнинг улкан ақл-заковати ва матонати ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтирилади.

Китобда бутун ислом оламида маълум ва машҳур бўлган Бурҳониддин Марғиноний, Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ аллома зотларнинг муборак нималари ҳақида юксак эҳтиром билан фикр юритилган?

|  |  |  |  |  |   |   |   |   |
|--|--|--|--|--|---|---|---|---|
|  |  |  |  |  | л | а | р | и |
|--|--|--|--|--|---|---|---|---|

Асарда Ўзбекистон заминида етишиб чиққан қомусий олимларимизнинг **бемисл илмий-иждодий кашфиётлари ҳақида**, хусусан, Муҳаммад Мусо Хоразмий фаолиятининг умуминсоний тараққиёт ривожига улкан таъсири, Аҳмад Фарғонийнинг «Астрономия асослари ҳақида китоб»ининг илмий аҳамияти, Абу Райҳон Берунийнинг илмий жасорати, Ибн Синонинг буюк асарлари, Маҳмуд Замаҳшарийнинг оламшумул шуҳрати тўғрисида ҳам ғурур билан сўзланади. Унда буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритилиб, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида

тўхталади, унинг ақл-идрок, адолат ва юксак маънавият билан йўғрилган фаолияти ибрат тариқасида келтирилади, ва яна бир алломанинг ишларини буюк маънавий жасорат тимсоли сифатида эътироф этилади.

Бу аллома ким?

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

Асарда ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан бири – Алишер Навоий ҳақида фахр билан сўз юритилиб, халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этган бу улуғ зотни **И.А.Каримов авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони деб таърифлайди.**

Китобда чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жаҳид маърифатпарварлари – Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб фидойи инсонларнинг фаолияти ҳаққоний тарзда очиб берилган. Яқин даврда яшаб ижод қилган Қори Ниёзий ва Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ҳабиб Абдуллаев ва Саъди Сирожиддинов, Обид Содиков ва Собир Юнусов, Яҳё Ғуломов ва Бўрибой Аҳмедов, Ойбек ва Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Зулфия, Саид Аҳмад ва Озод Шарафиддинов, Лутфихоним Саримсоқова ва Ҳалима Носирова, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев ва бошқа кўплаб номлари дунёга танилган машҳур илм-фан, адабиёт ва маданият арбоблари фаолияти ва ҳаёти хурмат билан эсга олинади.

Асарда миллатимиз маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда **бир жамоанинг ўрни ва таъсири беқиёс экани таъкидланиб, у инсон дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори шаклланадиган бир макон деб баҳоланади.**

Бу қандай жамоа макони?

|  |  |  |  |
|--|--|--|--|
|  |  |  |  |
|--|--|--|--|

Асарда маънавий ҳаётимизни юксалтиришда **маҳалланинг роли ва таъсири** катта экани қайд этилиб, юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятнинг ўзига хос кўзгуси бўлган маҳаллаларга маънавий-маърифий оламимизни юксалтиришда янада кўпроқ имконият бериш зарурлиги қайд этилади. Шунингдек, маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил – **таълим-тарбия тизимига алоҳида эътибор қаратилиб**, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён таҳлил қилинади. Муаллиф узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганини, ўзи шахсан ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида бунга амин бўлганини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам бу ўта оғир ва масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-бақадам, ва яна бир тизим билан бажариш учун астойдил иш олиб борилганлигини таъкидлайди.

Бу тизим номи катакчаларда яширинган. Уни топинг?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

Шу кунгача **миллат маънавиятини шакллантирадиган асосий мезонлар** бирор китобда аниқ белгилаб берилмаган эди. Айни шу вазифа Ислом Каримовнинг **“Юксак маънавият – енгилмас куч”** асарида биринчи марта аниқ ва мукаммал асослаб берилди.

**Маънавият** ҳодисаси асосан икки кўринишда намоён бўлади: **шахс маънавияти** ва **миллат маънавияти**. Агарчи, тарихан ва назарий жихатдан **миллат маънавияти**, том маънода олганда, ушбу миллатга қайсидир бир тарзда алоқадор ҳисобланувчи ўтмиш, бугун ва келажакдаги барча шахслар маънавиятининг мажмуидан иборат бўлса-да, воқеликда ҳар бир шахс маънавияти **миллат маънавиятидан** озикланади, унинг асосида камол топади. Президентнинг ғоятда ҳикматли ибораси билан айтганда, ҳар бир инсон *“ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан ”*. нима қилади?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

Юртбошимиз асарида ислом маърифатининг узвий қисми бўлмиш тасаввуф ирфонининг буюк намояндалари Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандларнинг муборак сиймоларига чуқур эҳтиром изҳор қилиниб, уларнинг миллатимиз маънавиятини шакллантиришдаги умрбоқий ҳиссалари тилга олинади. Агар биз бу эътирофларни И.Каримовнинг яна Аҳмад Яссавий, “шайхи валитарош” деб ном таратган Нажмиддин Кубро каби буюк маънавият пирлари ҳақида турли сабаблар билан билдирган мулоҳазалари билан қиёслайдиган бўлсак, умуман Президентимизнинг тасаввуф таълимотига нисбатан бўлган улкан эътиборлари аниқ-равшан бўлади. Нафақат миллий маънавиятимиз такомилида, балки умумбашарий миқёсда маънавий қадриятлар устиворлигини таъминлашда тасаввуф ирфонининг тарихий хизмати аллақачон ўз исботини топган. Асарда буюк муршидлар ишлаб чиққан ирфоний такомилнинг 4 босқичи шахс маънавиятини шакллантиришда улкан ҳисса қўшганлиги таъкидланади. Тўрт босқичнинг 3 таси: шариат, тариқат, маърифатдир.

Сиз тўртинчи босқич номини топинг?

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

Асарда агар Форобий, Бируний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб сингари ислом маърифатчилиги намояндаларининг ёш авлод тарбиясига оид қарашларида ақлга, билимга таяниш устунлик қилган бўлса, тасаввуф таълимоти кўнгилни поклаш, илм ва амал уйғунлиги, умумбашарий меҳр, ҳар ишда ният холислиги масалаларига эътибор қаратганлиги ёзилади. Ғаззолийдан бошлаб “инсон вужудида кўнгил ва ақлга мансаб бериб қараш етакчи ўринга ўта бошлади ва Алишер Навоий ижодида бу тамойил ўзининг мукаммал ифодасини топди, деб таъкидлайди, муаллиф. Ғаззолийдан бошланиб, Навоий ижодида ўз ифодасини топган кўнгил ва ақлга мансаб бериб қараш каттакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |
|--|--|--|
|  |  |  |
|--|--|--|

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

Китобда халқимизнинг ўтмишда ислом илмлари ривожига қўшган улкан ҳиссаларини жаҳон тан олган улуғ алломалари: **Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний**, буюк тасаввуф пирлари **Абдуҳолиқ Ғиждувоний** ва **Баҳоуддин Нақшбанд** каби табаррук сиймоларнинг миллатимиз маънавий тақомилига қўшган хизматлари билан бир қаторда, математика ва астрономия сингари аниқ фанлар; медицина, фармакология, минералогия каби табиий фанлар; логика, филология ва жамиятшунослик фанлари соҳаларида жаҳон илми ривожига баракали таъсир кўрсатган қомусий алломалар **Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек** каби мўътабар зотларнинг ҳар бири хусусида алоҳида тўхталиб, уларнинг нафақат миллий маънавиятимиз, балки башарият маънавий тақомилига кўрсатган таъсирларини бирма-бир қайд этиб ўтилиши бу соҳа олимлари учун муҳим назарий бир йўналишдаги намуна сифатида қабул қилишга арзийди, деб таъкидланади.

Хўш қайси йўналишда намуна сифатида қабул қилишга арзийди?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Президент китобида *“тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган”* Соҳибқирон Амир Темурнинг мумтоз сиймоси, унинг набираси олим ва ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг илмий жасорати чуқур эҳтиром билан ёдга олинади. китоб Муаллиф ўз ҳиссиётларини шундай баён қилади: *“Шахсан мен “Темир тузуклари”ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан...”*

Маълумки, ўз вақтида 1991 йил Алишер Навоий йили деб эълон қилинган ва ўша йил тўкин кузнинг биринчи ойида ўзбек миллий маънавиятининг қуёшига бағишланадиган асосий тантана ва тадбирларни ўтказиш белгиланган эди. Оллоҳнинг иноятини қаранг-ки, худди ушбу тантаналар бошланиши олдида мамлакатимиз сиёсий мустақилликни қўлга киритди ва сентябрнинг биринчи куни Мустақиллик байрамига айланди.

Президентимиз бир ном билан атаган Мир Алишер Навоийнинг қутлуғ тўйи, шундай қилиб, *Ўзбекистонимиз ҳаётига алоҳида файз, тароват бахш этди, юртимиз, элимиз тарихида қутлуғ келди, унутилмас сана бўлиб қолди.* И.А.Каримов А.Навоийнинг қутлуғ тўйини қандай ном билан атайди?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Президентимиз Алишер Навоий сиймоси ва бадиий-маънавий меросига чексиз эҳтиром билдириб: “*Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига зоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуг зотлардан яна бири – бу Алишер Навоий бобомиздир... Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг гурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир,* деб ёзади. Муаллиф буюк аجدодимизнинг бебаҳо меросидан “халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз” деб қатъий ишонч билдиради. Президент асарда А.Навоий ҳақида “*Агар бу улуг зотни мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир*” дейиш билан бирга яна кимларнинг кимидир деб ёзади?

|  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  | н | и | н | г |
|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|---|

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

Асарда XX аср бошларида эл-юрт манфаати учун жонларини тиккан маърифатпарварларимиз Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдуррауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб фидоий инсонларнинг маънавий жасоратлари, улардан кейин халқ орасида ном қозонган Қори Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ҳабиб Абдуллаев, Саъди Сироҷиддинов, Обид Содиков, Яхё Ғуломов, Озод Шарафиддинов каби илм-фан арбоблари, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Саид Аҳмад

сингари шоир ва адиблар, Лутфихоним Саримсокова, Ҳалима Носирова, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев ва бошқа атоқли санъаткорларнинг хизматлари қандай асосда эслаб ўтилади?

Қай асосда эслаб ўтилганини топинг?

|   |   |   |   |   |   |   |  |  |  |  |  |
|---|---|---|---|---|---|---|--|--|--|--|--|
|   |   |   |   |   |   |   |  |  |  |  |  |
| а | с | о | с | и | д | а |  |  |  |  |  |

Шу тариқа ёш авлод маънавиятини шакллантирадиган асосий мезонлар, ёки маънавий ҳаёт мезонлари деганда нимани тушуниш кераклиги ҳақида асарида аниқ кўрсатмалар берилган. **“Мезон” тарозу** дегани, яъни аниқ ўлчов, меёр, Европа терминологиясида “критерий”. Биз ёшларнинг маънавий тарбиясида нималарга таянишимиз керак, ёшларга кимларни ибрат қилиб кўрсатишимиз лозим бўлади, қайси ўлчов, қандай меёрларни асос қилиб олишимиз лозимлиги асарда аниқ кўрсатиб берилган. Булар – улуг аждодларимиз яратган улкан ва қутлуғ маънавий (илмий, бадиий, фалсафий) мерос, уларнинг ибратли ҳаётлари, муқаддас динимиз, қадриятларимизда ифодаланган **буюк ва боқий ҳақиқатлар, билан яна нималардир?**

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | л | а | р |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|

Президент ўз китобида бу ҳақиқатлар, ва туйғуларни ёш авлод онгига сингдиришнинг **уч табарруқ маконига – оила, маҳалла, ва таълим-тарбия тизими**га алоҳида эътибор қаратади. Агар шу уч маконда маънавий муҳит кўнгилдагидек бўлса, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади, агар улар таназзулга қараб кетса, бутун жамият ҳалокатга юз тутаяди. Афсуски, муайян сабабларга кўра бугунги кунда ҳар уч маконда ҳам муаммолар анча-мунча йиғилиб қолган, деб таъкидлайди. Китобда оила маънавий муҳитига алоҳида эътибор ажратилган. Баъзи ота-оналарнинг ўсиб келаётган ёш фарзандларининг қизиқиш ва интилишларига, уларнинг “онгу тафаккурида ҳар куни бир ўзгариш юз бериб, кўзида янги-янги саволлар пайдо бўлаётганига” жиддий аҳамият бермаслиги, боз устига баъзи ота-оналар бола олдида ўзини тутишни билмай, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўрнатиб бўлиш ўрнига аҳли

оиласига кўпол муомала билан фарзандлари руҳига салбий таъсир кўрсатиши, ҳатто баъзи оилаларда боланинг маънавий оламида оғир асоратлар қолдириши мумкин бўлган ўзгалар бахтини кўролмаслик, фиску фасод, иғво муҳити ҳам мавжудлиги таассуф билан қайд этилади ва унда **“Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, иқбол ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиладаги, балки маҳалла-қуйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам боланинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур,”** деб хулоса қилинади. Муаллиф ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни яхшилаш ҳақида бош қотирар экан, яна бадий сўз қудратига мурожаат қилишни маслаҳат беради ва бир мумтоз адибимизнинг бир асарида тасвирланган ўзбек оилаларига хос одоб ва ахлоқ намуналарини ибрат қилиб кўрсатади.

Катакчаларда бу асарнинг номи яширинган?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Маҳалла – инсонни жамият билан уйғунлаштирадиган ҳамда шу руҳда тарбияладиган энг катта саҳоватли гўша ва беқиёс Ватан. Муаллиф халқимизнинг “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она” деган ҳикматли иборасини келтириб, бу сўзларни миллатимиз учун “ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси” деб таърифлайди ва маҳалла - тарбия мактаби сифатидаги вазифасига алоҳида урғу беради.

Китобда мустақиллик даврида оила маънавий муҳитини яхшилаш, азалий қадриятимиз бўлган маҳалланинг ижтимоий мақомини кўтариш, таълим-тарбия соҳасида ўтказилаётган туб ислохотлар ҳақида эслаб ўтиш билан бир қаторда бу соҳаларнинг бугунги долзарб муамолари ҳақида батафсил мулоҳазалар билдирилади. “Шуни унутмаслик керакки, -деб ёзади Президент, - келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади.” Шундай экан, “бу соҳада юзаки, расмий ёндошувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.”

Асарда кўрсатилишича, таълим-тарбия инсон камолоти ва миллат равнақининг асосий шарти ва гаровидир. У давлат ва жамият назоратидаги қандай масаладир?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Таълим–тарбиянинг асосий мақсади ва вазифаси комил инсон тарбиясидир. Аммо қин ўтмишда бизда болага табиий ва аниқ фанлар бўйича билим бериш асосий мақсадга айланиб, боланинг маънавий тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилган, кўпинча фақат сиёсий-ташкилий тадбирбозликка айланиб кетган эди. Давлатимиз ва ҳукуматимизнинг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури” ва бошқа таълим жараёни мазмунини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилувчи ислохотлари туфайли бу соҳага янгича эътибор қаратилди. Аммо ҳануз бу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар бирталай эканлиги китобда батафсил баён этилган.

Асарда ҳали бу йўлда қиладиган ишларнинг кўплиги, аммо ҳозирданок бу саъй-ҳаракатларнинг нималари борган сари ёрқинроқ кўзга ташланиб бораётганлиги ҳам мамнуният билан эътироф этилган?

|  |  |  |  |  |  |   |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|---|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  | Л | А | Р | И |
|--|--|--|--|--|--|---|---|---|---|

### Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги

Президент И.А.Каримов асарининг **“Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги”** номли бўлимида асрлар давомида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган му<sup>3</sup>им бир масалага, яъни одамларнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятида моддий ҳамда маънавий асослар уйғун бўлгандагина бахтли ҳаётга эришиш мумкин эканига эътибор қаратилади.

Асарда истиқлол йилларида жамиятда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги масаласига алоҳида эътибор берилганлиги таъкидланар экан, баъзи бир сиёсатчи ва назариётчиларнинг, олдин моддий ҳаётни, кейин маънавий масалаларни ўйлаш керак, деган мазмундаги фикрларининг хато экани мисоллар орқали исботланади.

Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигини таъминламасдан туриб жамиятни юксалтириш, олдинга қўйилган мақсадларга эриша олиш мумкин эмаслигини тарихнинг ўзи исботлаб берди.

Китобда таъкидланишича, жамиятнинг моддий ҳаётини юксалиб бориши кишиларни онгли фаолиятига боғлиқдир. Инсонларни онгли фаолиятлари, жамиятни юксалтириш йўлидаги хатти- ҳаракатлари аввало ахлоқ ва ҳуқуқ қолаверса умуман маънавият нуқтаи назаридан баҳоланади. Инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳам нафақат иқтисодий, шунингдек, ўзининг маънавий жиҳатларига ҳам эга. Асарда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигига бир хил катта аҳамият берган жамият ижтимоий бир жараёнларсиз тараққий этиш учун замин яратади, дейилади.

Қандай жараёнларсиз назарда тутилмоқда?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | с | и | з |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|

Мазкур асарда ёзилишича, маънавият ривожланиши учун иқтисодиёт доимо моддий шарт-шароитлар яратиб келган.

Ўз навбатида маънавиятнинг ўсиб бориши илм фан ривожига, илмий-техник кашфиётларга, жамият аъзолари билимлари, малакаларининг ошишига, иқтисодий тафаккурнинг ўсишига, янгиликларга интилишларга сабабчи бўлади.

Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги йўлида айрим зиддиятлар пайдо бўлиши мумкинки уларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги айрим салбий ҳолатларга сабабчи бўлиши мумкин.

Асарда таъкидланишича, маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги реал инсон эҳтиёжларидан, жамиятнинг аниқ вазифаларидан ажралиб қолса ўз мақсадларини белгилашда адашиб кетади. Маънавий омилга эътиборнинг пасайиб кетиши моддий ҳаётда фойда олиш мақсадини биринчи ўринга олиб чиқиб қўяди. Фойда олиш йўлида ғиромлик, бировларни алдаш, фирибгарлик сингари усуллардан фойдаланилади. Маънавияти паст бўлган кимсалар ўзи унинг бир эҳтиёжи йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган бўлиб қоладилар.

У инсоннинг қайси эҳтиёжи?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

Маънавият доимо иқтисодиётнинг ижтимоий вазифаси инсон учун хизмат қилиш кераклигини эслатиб туради.

И.А.Каримовнинг таъкидлашича, жамиятнинг ҳаёти, унинг илгарилаб бориши жараёнида фақатгина иқтисодиётга асосий эътибор берилса, жамиятни уйғун ривожлантириш маънавият ва маданиятни ривожлантириш, жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни инсонпарварлик асосида қуриш қийин бўлади.

Ўз навбатида жамиятни юксалтириш йўлида маънавиятга устунлик берилса иқтисодий қонунларга беписандлик билан қараш, иқтисодиётни бир нарсага бўйсуниб қолиш хавфини келтириб чиқаради.

Бу иқтисодиётни нимага бўйсунтириш хавфи?

|  |  |  |  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  | г | а |
|--|--|--|--|--|--|--|---|---|

Президент асарида инсон онгли мавжудот сифатида маънавий ва моддий ҳаётни бир-биридан ажратиш мумкин эмаслигини, улардаги уйғунлик жамиятни юксалиши, ривожланиши учун муҳим омил эканлигини доимо хис қила билиши зарурдир, янада аниқроқ қилиб айтганда инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусиятларни мужассам этган мавжудотдир, дейилади.

Инсонларнинг моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини хис қила билишлик фазилатлари ҳақида: «Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган бир нарсага қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади», деб қайд этилади китобда.

Хўш, бу қиёсланган нарса нима?

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |
|--|--|--|--|
|  |  |  |  |
|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

Моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминламасдан туриб олдимизга қўйган мақсадларга эриша олмаслигимизни бугунги кунда барчамиз хис қила олишимиз лозим, деб таъкидлайди И.А.Каримов

Агар моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини, уларнинг ўзаро таъсирини чуқур ўрганиб чиқадиган бўлсак, улар анча мураккаб, ранг-баранг, ҳар бир муайян ҳолатда ҳар хил эканлигини, уларнинг ўзаро таъсири бир-бириникидан кам эмаслигини сезсак бўлади. Асарда маънавий ҳаёт билан моддий ҳаёт туташмаса, жамиятнинг иқтисодий муносабатларида маънавият масалаларига, талабларига етарлича эътибор берилмаса, технократик карашлар устунлик қилса, ишлаб чиқариш ўсгани билан одамларга хос бўлган муносабатлар таназзулга учрайди, деб огоҳлантиради .

Катакчаларда одамларга хос бўлган муносабат номи яширинган?

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

Президент И.А.Каримов жамият ҳаётида иқтисодий юксалишлар бўлмаса, халқ турмуш фаровонлиги яхшиланиб бормаса маънавиятнинг кўп соҳалари ҳам ривожланмаслигини, ночор ахволга тушиб қолишини, жамиятда ижодий изланишлар сусайиши, ва ўз навбатида моддий ҳаёт ривожини учун қўшимча қийинчиликлар юзага келишини ўқтирадилар.

Маънавий омиллар, уни ташкил этувчи ҳалоллик, инсонпарварлик, фидойилик сингари хусусиятлар ҳисобга олинмаган жойда ижтимоий ҳамкорлик эмас, балки қарама-қаршилик юзага келади.

Асарда жамият юксалиши йўлида маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигини эътиборга олмаслик қандай оқибатларга олиб келиш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда тараққиётнинг бир йўналиш устувор йўналиш сифатида иқтисодиёт билан тенг равишда маънавиятни ҳам тан олиши кўрсатилади.

Бу қайси устувор йўналиш?

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

И.А.Каримов маънавият ва моддий ҳаёт уйғунлигини таъминлаб бериш олдимизга қўйган мақсадларга эришишда катта аҳамиятга эга эканлиги

тўғрисида тўхтаб: «Кўриниб турибдики, моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмайди аксинча, ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдиради. Юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай диалектик ва узвий боғлиқлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эриша олади», деб таъкидлайдилар.

Маънавиятнинг моддий ҳаётга таъсири доимо жамиятда гибир жараёнга муносабат қандайлигида кўринади, дейилади китобда.

Бу ерда қандай жараён назарда тутилмоқда?

|  |  |  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  |  |  | г | а |
|--|--|--|--|--|--|---|---|

Биз жамиятнинг маънавий ва моддий ҳаётини инсонларсиз, уларнинг иштирокисиз тасаввур эта олмаймиз.

Инсон асосий ишлаб чиқарувчи куч, ҳар қандай ижтимоий фаолиятнинг субъекти сифатида тараққиёт моделининг асосий ижодкори ва ҳаракатлантирувчи кучидир, шу билан бирга юксак маънавият соҳибидир, деб қайд этилади асарда.

Маънавиятнинг моддий ҳаётни юксалтиришдаги аҳамиятини яна шунда кўриш мумкинки, биз маънавият соҳиби сифатида меҳнатга янги муносабатни шакллантирсак ижодий интилишларни кучайтирсак, шахс билан ҳисоблашишни ўргансак, ўз меҳнатимиз орқали имкониятларни воқеиликка айлантира олсак ўзбек моделининг салоҳиятини янада ортишига таъсир кўрсата оламиз. Жамият аъзоларининг моддий манфаатлари яна бир кенг манфаатлар билан уйғунлаштирилмас экан тараққиётнинг ўзбек модели истиқболсиз қолаверади, деб таъкидлайди А.И.Каримов. Уйғунлаштирилиши лозим бўлган манфаат номи каттакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| м | а | н | ф | а | а | т | л | а | р | и |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

Муаллиф асарда бу уйғунлик тўғрисида гапириб; «Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш,

иқтисодий ривожланиш жараёнларининг маънавий покланиш маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун равишда ривожланиб боришини доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказига қўйиб келмоқдамиз», деб баён этадилар.

Асарда таъкидланишича, мустақиллик фққароларимизга жамиятимиз иқтисодий ҳаётида эркинроқ фаолият юритиш имконларини очиб берди, тадбиркорликка катта шарт-шароитлар яратиб берилди. Тадбиркорлар ўз фаолиятлари орқали ички бозоримизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш билан бирга ўз моддий аҳволларини яхшилаб бормоқдалар. Шу боис давлатимиз бир синфнинг шаклланишидан манфаатдордир.

Давлат манфаатдор бўлган синфнинг номи катакчаларда яширинган. Уни топинг?

|  |  |  |  |  |  |  |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  | л | а | р |
|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|

Президент асарда тарихимизга назар ташлар эканмиз, ўтмишда аجدодларимиз доимо бир-бирларига кўмак бериб, меҳр-мурувват кўрсатиб келганликларини, узоқ вақтлар давомида аждодларимиз моддий бойликка қараганда маънавий бойликни устун қўйиб келганларликларини, моддий таъминланган кишилар камбағалларга, қийналганларга, етимларга, бева-бечораларга имкон даражасида ёрдам бериб келганларлигини, ўзига тўқ бўлган одамлар мадрасалар, чойхоналар, кўприклар, мактаблар қуришга катта маблағлар ажратганларини ёзади.

Муаллиф аждодларимизнинг бундай инсонпарварлик, саҳоватпешалик ишлари бугунги кунда ҳам замондошларимиз томонидан давом эттириб келинаётганлигини, кўплаб тадбиркорлар, ишбилармонлар топаётган даромадларидан ўз яқинларига, мухтожларга бегараз ёрдам кўрсатиш билан бирга яна бир муҳим ишларга ҳам кўмак бериб келаётганликларини таъкидлайди.

Бу муҳим йўналишдаги ишнинг номини топинг?

|  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  | л | и | к |
|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|

## II боб. Мустақиллик – маънавий тикланиш ва юксалиш

### Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт

Президент асари иккинчи бобининг “Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт” номли бўлимида миллий ғоя ва унинг намоён бўлиши, у ўзининг ички мазмун-моҳиятига кўра маънавий ҳодиса ҳисобланиши алоҳида қайд этилган. Дарҳақиқат, миллий ғоя, маънавият ва маънавий ҳаёт ўртасида ўзаро диалектик боғлиқлик мавжуд. Асарда таъкидланганидек, ҳар бир давлат ёки жамиятнинг олий мақсади халқни, инсонларни ҳар томонлама фаровон ҳаёт кечириши, тинч-тотув яшадини таъминлашдан иборат. Шу боис муаллиф миллий ғояга аниқ ва мантиқий асосланган таъриф бериб: “миллий ғоя аجدодлардан авлодларга ўтиб эъзозланиб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзида мужассам этган ботиний кучдир”, деб баҳолайди.

Миллий ғоянинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги каби асосий тушунчалари бевосита инсоннинг маънавий камолоти билан боғлиқ ҳолда кечади. Юксак маънавиятли инсонни тарбиялаш, юксак маънавиятли жамиятни барпо этиш миллий ғоянинг асосий вазифаси эканлиги китобда ҳар томонлама ёритиб берилади.

Муаллиф асарда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар изчиллигини таъминлаш, янгиланиш жараёнларини янги босқичга кўтариш борасидаги асосий вазифалар, хусусан, миллий ғоянинг асосий тушунчалари билан бир қаторда, унинг узвий-таркибий қисмлари: комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, тамойиллари билан бирга яна бир динимиз билан боғланган тамойилнинг аҳамиятини ҳам алоҳида эътироф этади. Бу қайси тамойил?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Президент ўз асарида маънавий қашшоқлик қандай оқибатларга олиб келиши тўғрисида гапириб: «Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин, дейди.

Мустақиллик йилларида юртимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ҳар бир инсонни миллий ўзлигини англашини, миллий ғурурини ўсишини янги босқичга кўтарди. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси миллий манфаатларни чуқурроқ ва кенгрок тушуна бошлади.

Миллий ғоя бугунги кунда мамлакатимизни маънавий ҳаётини юксалтиришга, жамият аъзоларини маънавий жиҳатдан камолотга етказиб беришга хизмат қиладиган қудратли кучга айланди.

Мафкура полигонлари ядро полигонларидан устунлик даражасига эришган ва ғоявий таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда миллий ғояни ролини ошириб бориш ва уни маънавий ҳаётни юксалтиришга сафарбар этиш Президентимиз олиб борган сиёсатда алоҳида ўрин тутмоқда. Бугунги кунда миллий ғоямизнинг жамиятнинг қайси ҳаётини юксалтиришдаги роли кундан-кунга ортиб бормоқда?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

Президент асарда «Агарки масалага амалий кўз билан қарайдиган бўлсак, маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж-бу миллатимизни миллат қиладиган, асрлар, минг йиллар давомида аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларга, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равишда тадрижий тараққиётга чорлайдиган, шу йўлдаги барча асорат ва иллатлардан халос бўлиб, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган мудҳиш хавф-хатарларни англайди, деб ёзади.

Миллий ғоя жамият маънавият ҳаётини юксалиб бориш замини бўлиш билан бирга у маънавиятимизни эзгу мақсадлар йўлида енгилмас кучга айланишини таъминлаб беради.

Шунинг билан бирга миллий ғоясиз ва юксак маънавиятсиз одамлар, жамият ва давлат бир нарсани йўқотади, деб огоҳлантиради асар муаллифи.

Миллий ғоясиз одамлар, давлат ва жамият нимасини йўқотади?

|  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  | н | и |
|--|--|--|--|---|---|

Миллий ғоя халқни, миллатни бирлаштиради. Жамиятнинг ҳар бир аъзосини маънавий камолотга эришишини таъминлаб беради. Миллий ғоя жамиятнинг ҳар бир аъзосини юксак маънавият белгиларидан ҳисобланган ватанпарварлик, фидойилик сингари фазилатларини шакллантириб беради. Уларни Озод ва обод Ватанни яратиш йўлига сафарбар этади. Миллий ғоя маънавий ҳаётини юксалтириш йўлидаги олижаноб вазифаларни бажариш билан бирга жамиятнинг ҳар бир аъзосида эртанги фаровон ҳаётимизга ишончни шакллантириб беради. Муаллиф асарда миллий ғоя жамиятни юксалтириш ва маънавий етукликка эришиши йўлидаги, жамият эъзоларини олий мақсадлар сари етаклаб боровчи мисоли бир нарсадир, деб таъкидлайди. Бу мисоли бир нарсанинг номи катакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

Миллий ғоя жамиятимиз аъзоларини бош ғояси бўлган Озод ва обод Ватанни яратиш, эркин ва фаровон яшаш орзусига садоқат руҳида тарбиялаб боради.

Маънавият доимо ҳар бир шахснинг, бутун жамиятнинг эътиқод ва қадриятларига айланган ғоялари, меъёрлари ва омилларидандир. Маънавият халқимизнинг бой маданий меросида қадимдан шаклланиб келган урф-одатлари ва анъаналарида ўз ифодасини топади.

Миллий ғоя маънавий ҳаётни юксалтириб ишга хизмат қиладиган фазилатларни шакллантириб бериш билан бирга турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар ўртасидаги ҳамкорликни, миллатлараро тотувликни ва

умумтараққиёт йўлидаги жипслашувни таъминлаб беради. Миллий ғоя Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқларнинг тилидан, эътиқодидан жинсидан қатъий назар барча Ўзбекистонликларнинг манфаатларини ифодалай билиши керак. Асарда таъкидланганидек, миллий ғоя ҳар бир шахснинг маънавий камолотга эришиш йўлида шарт – шароит бўлиб ўзлигини қандай намоён этишга хизмат қилиши лозим?

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

Асарда қайд этилишича, миллий ғоя жамиятнинг ҳар бир аъзосини ёвуз ғоялар таъсирига тушиб қолишдан асраб қолиш билан бирга улғайиб келаётган ёшларни ўз халқи ва Ватани равнақи йўлида вояга етишини таъминлаб беради. Бугунги кунда жамият аъзоларини айниқса Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшларни онги ва қалбини захарлашга интилаётган, жамиятимизнинг маънавий ҳаётини парокандалик ҳолатига туширишга ҳаракат қилаётган маънавий таҳдидлар мавжуддир. Мана шундай маънавий таҳдидларни олдини олишда миллий ғоя муҳим роль ўйнайди. И.А.Каримов маънавий ҳаётни юксалиб боришига тўсик бўлувчи маънавий таҳдидлар тўғрисида гапириб: «Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан махрум этишга ва ҳамма нарсага бир ҳолатда бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда», деб ёзади.

Муаллиф қайси ҳолатни назарда тутмоқда?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

Миллий ғоя ҳеч қачон назарий тафаккур натижаси бўлиб қолиши мумкин эмас, деб ёзади И.А.Каримов. У ҳар бир шахснинг маънавий

эътиқодида, амалий фаолиятида намоён бўлиши билан бирга маънавий ҳаётни юксалтирувчи омил бўлиб қолиши керак.

Миллий ғоя жамият аъзоларининг онги ва қалбига маънавий ва тарбиявий ишлар бирга сингиб бориш билан қаторда, у кишиларда бирлик, бирдамлик, ҳамжихатлик, ҳамкорлик, фаоллик, фидойилик шаклларида намоён бўлади. Маънавий ҳаётда эса онглилик, бирлик ва бирдамлик шаклларида намоён бўлади.

Маънавий етук инсонлар миллий ўзликни англашга таяниб, муайян этник бирликка мансубликни, унинг олдидаги бурч ва масъулиятни англай олади. Миллий ғоя миллий тарбия анъаналарига катта эътибор берган ҳолда жамият аъзоларининг маънавиятларини юксалтириб, уларда ватанпарварлик, миллий ифтихор, миллатпарварлик туйғусини поклик ва садоқатликка хос бўлган икки тушунча даражасига кўтариб беради, деб таъкидлайди И.А.Каримов. Туйғунинг қандай даражага кўтарилиши каттакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

Асарда миллий ғоя миллатни улуғлашни, қадрлашни миллат манфаати йўлида фидоий бўлишни инсонийлик бурч эканлигини ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбига сингдириб боради, деб қайд этади И.А.Каримов.

Миллий ғоя маънавий ҳаётни юксалтириш йўлидаги ўз вазифаларини бажариб бориши ва уни янада кучайтириши тарихий заруриятдир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонни юксалтириш йўлида янгиланишлар концепцияси ишлаб чиқилиб, у маънавий жараёнларни ҳам ўз ичига қамраб олди. Шу боис миллий ғоя, маънавий соҳадаги янгиланишлар Ўзбекистон келажагининг мустаҳкам пойдевори эканлиги асослаб берилди.

Китобда миллий ғоя маънавият соҳасидаги ишлар, инсон онги ва қалби онгига бунёдкор ғояларни сингдириш орқали амалга ошириш мумкинлиги исботлаб берилди. Миллий ғоя, маънавият жамиятнинг умумий манзарасига ҳам, ҳар бир шахснинг илмлилиikka хос бир руҳий қиёфасига ҳам катта таъсир кўрсатиши асарда асослаб берилган.

Бу шахснинг қайси руҳий қиёфаси?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Асарда миллий ғоя фуқаролар онги ва қалбига эзгулик ва бунёдкорлик ғояларини сингдириб бориш орқали ҳар томонлама ўз шахсий фикрига эга бўлган чуқур дунёқараш эгаси бўлган ёшларни вояга етказиб боради, дейилади. Миллий ғоямизнинг асосий тамойилларини ўз қалби ва онгига сингдириб бораётган инсонлар жамиятимизнинг маънавий ҳаётини юксалишини таъминлаб берадиган, мамлакатимизни тараққий этган мамлакатлар сафига чиқишини таъминлаб берадиган инсонлар бўлиб вояга етиб боради.

Муаллиф мустақиллик йилларида юртимизда маънавий ҳаётни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар эзгу мақсадлар билан амалга оширилаётганлигини қайд этиб, мана шундай жараёнда эзгу тамойилларни ўз ичига қамраб олган миллий ғоямиз кўп миллатли халқимизни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилади. Миллий ғоямизни асосини ташкил этган бунёдкорлик мақсадларини ўз олдига қўйган тамойиллар инсон қалби ва онгига чуқур сингиб борар экан жамият аъзоларининг маънавий жиҳатдан бир даражаси даражаси ортиб бораверади, деб ёзади.

Бу маънавий жиҳатдан қандай даража?

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

### **Маънавият ва жамиятнинг янгилиниши**

Юртбошимизнинг янги асаридаги “Маънавият ва жамиятнинг янгилиниши” номли бўлимида эски тузум даврида инсон ҳаётининг негизи ва мураккаб қирралари, миллий кадриятлар, тарихий анъаналар, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирганини унутмаслик ҳақида огоҳлантирилади. Бу борадаги ишларнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилади. Биринчи навбатда, миллий маданияти, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш;

иккинчидан, маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва учинчидан, шу соҳаларда ишлаётган кадрлар масаласи ҳамда ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига юксак масъулият ва жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш зарурлиги таъкидланади.

Муаллиф кейинги пайтда санъат соҳасида ошкораликни пеш қилиб, телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида беъманилик ва ҳаёсизликни, баъзан ҳатто ахлоқий бузукликни тарғиб қилиш ҳолатлари ҳам кўпайиб бораётганига эътиборни қаратади. Асарда инсонларга хос бир тушунчанинг маъно ва моҳияти таҳлил этилиб, тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, тараққиёт талабларига тўлиқ жавоб берадиган, йиллар ўтгани сайин кадри ортиб борадиган гоё ва тушунчаларгина чинакам ана шундай тушунча сифатида баҳоланади, деб қайд этилади.

Инсонларга хос бу тушунчанинг номини топинг?

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Она тили бу - миллатнинг руҳи эканлиги, мустақил тараққиёт йилларида, хусусан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйилганлигининг муҳим аҳамияти таъкидланади.

Асарда бир туйғу инсоннинг энг азиз ва юксак туйғуларидан бири экани қайд этилади. Асарда алоҳида қайд этилган бу қайси туйғу?

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

«Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи биз учун гоёят долзарб аҳамиятга эга», деб таъкидлайди И.А.Каримов.

Жамиятдаги янгиланишларни юксалишимиз учун асосий замин бўлиб қолиши мақсадида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги

янада кучли бўлиши авваламбор халқимизнинг бой маънавиятини тикланиши, миллий маънавиятимизни ташкил этган асосий заминларни авайлаб асралиши, маънавиятимизнинг таркибий қисмлари янада ривожлантирилиши қолаверса жамият аъзолари онгига тегишли бир нарсанинг замон талаби даражасида ўзгариб бориши билан ҳам узвий боғлиқдир, деб кўрсатади, муаллиф.

Ўзгариб бориши керак бўлган бу нарса нима?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

Юртбошимиз маънавий баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказишда тарбиячи устозларнинг, оиланинг, ота-она ибратининг, маҳалланинг, маданий-оқартув муассасаларининг ўрни катта эканлигини доимо таъкидлаб келмоқдалар. Мана шу омиллар аجدодларимизнинг маънавий меросини авайлаб асрашда, уларни янада бойитишда, жамиятдаги амалга оширилган янгиланишларда ўзига яраша катта аҳамиятга эгадир. Жамиятнинг юксалиб, ўзгариб боришини асосий сабабчиси - вояга етиб келаётган ёшларнинг маънавий тарбияси доимо жуда долзарб бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам унга катта эътибор бериб келинмоқда, деб таъкидлайди муаллиф. Чунки ёшлар аجدодларимиз муҳим бир нарсани авайлаб асровчилар, уларни янада ривожлантирувчилардир.

Ёшлар аجدодларимизнинг нимасини асраб, ривожлантирадилар?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  |  |  | н | и |
|--|--|--|--|--|--|---|---|

Юртбошимиз ўз асарида она тилига муҳим эътибор қаратади. Жамият аъзоларининг юксак маънавиятини ифодалаб берувчи хусусиятлардан бири уларнинг маънавий меросга бўлган муносабатлари билан бирга ўз она тилисига бўлаётган муносабатидир. Ҳар бир инсонни ўзлигини англай олиши, миллий менталитети, аجدодлар ва авлодлар ўртасидаги руҳий ва маънавий боғлиқлик доимо тил орқали намоён бўлиб келган. Инсон дунёга келиши билан унинг вояга етиб бориш жараёнида барча эзгу фазилатлар ва хислатлар инсоннинг қалб кўрига ўз халқининг она тилиси орқали кириб

боради. Аждодларимиз асрлар мобайнида янги туғилган гўдак қулоғига азон айтиб келишган, гўдаклик чоғидаёқ она тилида алла эшитган. Ҳар бир миллатнинг ўз она тилиси мавжуддир ва бу тил уларнинг руҳи ва ғуруридир, деб ёзади муаллиф. Тилини йўқотган, ундан айрилган халқ нимасидан айрилади?

|  |  |  |  |  |  |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  | д | а | н |
|--|--|--|--|--|--|---|---|---|

Инсоннинг маънавий камолотини ифодалаб берувчи фазилатлардан жамиятнинг янгиланишини таъминлаб берувчи омиллардан бири- Ватанга муҳаббат туйғусини ҳис қила билишликдир, деб ёзади Президент И.А.Каримов.

Ватанга муҳаббат туйғуси туғма хусусий эмас, балки улғайиб бориш жараёнида шаклланиб инсон юрагига чуқур сингиб борувчи фазилатдир. Ватан туйғусини ҳис қила билишлик муқаддас туйғу ва юксак маънавият белгиси эканлиги тўғрисида гапириб, Президентимиз шундай дедилар: «Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қонга теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади».

Ҳар бир инсон учун ўзи туғилиб ўсган, яшаб келаётган Ватани муқаддасдир. Мана шу Ватаннинг бугунги куни ва келажаги учун қайғуришни ҳис эта олишлик инсоннинг маънавияти қандай даражада эканлигини белгилаб беради. Ўз Ватанининг эртанги куни учун қайғура оладиган инсон ниманинг соҳибидир?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  | н | и | н | г |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|---|

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

Президент асарида маънавият соҳасидаги янгиланишлар Ўзбекистонда жамият ҳаётини демократиялаштиришда катта роль ўйнаганлигини, фуқароларнинг маънавий даражаси жамиятнинг умумий ҳолатини ўзгартирганлигини ёзиб, янгиланган ахлоқий етуклик, юксак онг, маънавий

камолот Она Ватанимизнинг тараққиёти белгилашини, унинг тараққиётини, янгидан янги имкониятларини юзага келтиишини таъкидлайди. Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган демократиялаштириш жараёни жамият тафаккурининг янгиланиши ўзига хос ҳолда амалга ошириб борилмоқда. Муаллиф қайд этганидек, жамиятимиздаги янгиланишлар жараёни барча соҳаларда, шу жумладан маънавий соҳасида ҳам биз танлаган бир йўл орқали амалга оширилмоқда.

Бу қандай йўл?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  | л | а | р |
|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамият аъзоларининг дунёқараши, эътиқоди ва тафаккурида демократик тамойилларнинг ва демократик қарашларнинг кенгайиб мустаҳкамланиб бориши жамиятнинг юксалиб бориши омили бўлиб келган, деб ёзади муаллиф.

Жамиятимизнинг моддий турмуш даражасининг ортиб боришида унинг маданий савиясини ривожланиб боришида, маънавий соҳасидаги янгиланишларнинг алоҳида ўрни бордир.

Юртбошимиз ҳар қандай жамиятнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг жамият ҳаётини демократиялаштириш ва жамиятнинг янгиланиб бориши, шу давлатнинг тараққиёт маҳсули ҳисобланади. Ўзбекистоннинг бу соҳада танлаб олган йўли унинг келажаги учун муҳим аҳамиятга эга бир нарсга бўлиб ҳизмат қилади, деб таъкидлайди.

Бу бир нарса нима?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

### **Ислохотлар ва уларнинг маънавий мезони**

Президент И.А.Каримовнинг ушбу асарининг “Ислохотлар ва уларнинг маънавий мезони” номли бўлимида умрини ўтаб бўлган шўро тузуми қонун-қоидаларидан воз кечган ҳолда, эркин бозор муносабатларига ўтиш ва юртимизда демократик жамият қуриш стратегиясини ишлаб чиқиш ва бу

йўлдаги улкан амалий ишлар сари дадил кадам қўйилгани ўз-ўзидан юз бермагани айтиб ўтилади. Муаллиф таъкидлаганидек, бунинг учун аввало **халқимизнинг ҳаёт тарзи, миллий анъана ва кадриятлари, аҳолининг кайфияти ҳар томонлама ҳисобга олинади**. Чунки ислохотларнинг пировард натижаси халқнинг уларга онгли муносабати, уларни тўлиқ қўллаб-қувватлаши ва чуқур англаб етишига боғлиқ.

Асарда ўзбек модели тамойилларини амалга ошириш натижасида қўлга киритилган ютуқлар, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий аҳамияти очиб берилган.

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб даврида давлатнинг бош ислохотчилик ролига таяниб, аҳолининг кўмакка муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, жамиятда кескин ижтимоий ларзаларга, эскилик тарафдори бўлган кучларнинг норозилик чиқишлари, турли бузғунчилик ҳаракатларига йўл қўймасдан, юртимизда тенглик ва ва барқарорликни сақлаб ўзининг эзгу мақсадлари сари босқичма-босқич, қатъият билан илгарилаб бормоқда. Натижада халқнинг руҳи, фаровонлик даражаси ортиб, унинг бунёдкорлик салоҳияти рўёбга чиқмоқда. Энг муҳими, одамларнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда, янги тузумнинг афзаллигини англаб, ўзининг куч ва имкониятларига бўлган ишончи, ён-атрофдаги ўзгаришларга бир ҳисси ортиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, китобда ёзилганидек **“аслида ҳар қандай ислохотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига бир ҳис пайдо бўлганини чуқур ҳис қилиш”** билан белгиланади.

Бу қандай ҳис?

|  |  |  |  |  |  |  |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  | л | и | к |
|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|

Президент асарида “демократия” тушунчасининг мазмун-моҳияти таҳлил этилиб, у қуйидагича таърифланади: **“демократия авваламбор**

**маънавий мезонлар асосида бошқариладиган, кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир”.**

Китобда демократиянинг ана шу икки қанотига таянилиб, “Кучли давлатдан — кучли жамият сари” концепциясининг ишлаб чиқилгани ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани таъкидланади.

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос тарақиёт йўли мавжуд. У ана шу мамлакатда яшаётган халқнинг ўзига хос хусусиятлари билан биргаликда яна бир жиҳати билан боғлиқ бўлади, дейилади китобда.

Бу халқнинг яна қайси жиҳати?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Асарда ўзбек халқи ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин тарақиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлаб олганлиги, танланган йўл мустақиллик йилларида ўзининг самарасини бера бошлаганлиги ва уни амалга оширишда катта ютуқлар қўлга киритилганлиги таъкидланади.

Бу йўл Президент томонидан ишлаб чиқилган тараққиётмизнинг беш тамойилида ўз ифодасини топган. Улар: Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, унинг ҳар қандай мафкурадан хоилиги; давлат бош ислохатчилиги; қонуннинг устуворлиги; кучли ижтимоий ҳимоя; бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишдан иборатдир.

Президент худди ана шу тамойиллар ҳақида тўхталиб: «Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, соҳта инқилобий сакрашларсиз, фожеали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тарақиётга ўтиш – танлаб олинган йўлнинг асосий нималарини ташкил этади», деб ёзади?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |

Ўзбек модели, аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади.

Чукур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир. Катталарни хурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллик, миллатидан қатъий назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимлига, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида хурмат-эҳтиром – Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир. Асарда ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга ошириш чоғида маънавиятнинг яна бир таркибий қисмини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида, маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришда, ва айрим эътиқоди яқин халқлар билан яқинлашиш истагида ҳам шу омил намоён бўлмоқда, деб таъкидланади. Бу омилнинг номи каттакчаларда яширинган. Уни топинг?


|  |  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  | н | и |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|

Асарда республикадаги ўзига хос демографик вазият – ғоят муҳим хусусиятлардан бири эканлиги айтилади. Жумхуриятимизда аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳар йили юксак суратлар билан ўсиб бормоқда. Аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшайди ва асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Аҳоли таркибида 60%дан кўпроғи болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит-қизлардир.

Ўз аждолари қадимдан яшаб келган жойларга боғланганлик, кўчиб юришга мойилликнинг йўқлиги республика аҳолисига хос хусусиятдир.

Республиканинг яна бир хусусияти – миллий таркибининг ўзига хослигидир. Этник таркибда туб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Шу билан бир вақтда республика худудида ўз маданияти ва анъанасига эга бўлган юздан зиёд миллат вакиллари яшаб турибди. Ўзбекистоннинг миллий – маданий жихатдан ғоят ранг-баранглиги миллий ўзлигини

англаш ва маънавий қайта тикланишанинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилашга, уни «ошкораликка хос бўлган бир жамиятга айлантириш» учун қудратли куч бўлиб хизмат қилади, деб қайд этилади, мазкур асарда. Хўш, қандай жамиятга айлантириш назарда тутилмоқда?



Мазкур асарда республика кулай геостратегик мавқеига эгалиги, тарихан хозирги Ўзбекистоннинг худуди шундай жой бўлганки, бу ерда жуда кўхна савдо йўллари (машҳур Буюк Ипак Йўли) туташганлиги, жўшқин ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиши жараёни кечганлиги, республикада ислохотларни амалга ошириш йўллари ва ёндашувларини танлашга табиий-иқлим шароитларининг ўзига хослиги белгиловчи таъсир ўтказаётганлиги, қишлоқ хўжалигимиз аксарият сунъий суғоришга ва суғорма деҳқончиликка асосланганлиги, ўзининг сув имкониятлари жуда чекланганлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, бутун халқ хўжалиги таркибида пахтачилик етакчи ўрин тутиб ётганлиги, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимизни ҳимоя қилиш имконини берадиган етарли потнеециалига эгалиги, ёр бағрининг ғоят қимматли минерал – ҳом ашёларга бойлиги чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантириш имконини бераётганлиги қайд этиб ўтилган.

Асарда шунингдек, кейинги ўн йиллар мобайнида маълум кадриятларга эга бўлган кишиларнинг муаян ижтимоий онги шаклланганлигини ҳам эътиборга олиш лозимлиги ҳам ўқтирилади. Бир томондан, бу ижтимоий тенгликка, кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқига, ялпи бепул таълим ва тиббий хизматга қатъий тарафдорликка интилишида намоён бўлмоқда. Иккинчи томондан эса, яккахокимликдан иборат маъмурий-буйруқбозлик тизими келтириб чиқарган инсонни мулкка

эғаликдан ва хўжайинлик туйғусидан бегоналаштирилганлиги, ва яна бир руҳиятни юзага келтирилганлигида кўринмоқда.

Бу қандай руҳият?

|  |  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  |  | Г | А |
|--|--|--|--|--|---|---|

|  |  |  |  |  |  |   |
|--|--|--|--|--|--|---|
|  |  |  |  |  |  | К |
|--|--|--|--|--|--|---|

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган концепциядаги юқорида қайд этилган хусусиятларни ҳисобга олиш мамлакатимизда беқарорликни вужудга келишининг, социал зиддиятларнинг кучайиб кетишининг, аҳолининг мураккаб вазиятга тушуб қолишининг олдини олиш имконини берди. Улар ўз навбатида юзага келаётган янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қийинчиликларни собитқадамлик билан хал қилишда муҳим рол ўйнайди ва бошланган ислохотлар ўз самарасини бера бошлайди. Ўзбекистоннинг ўтиш даври муаммоларини хал қилишнинг ўзига хос стратегияси жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилиб уни “ўзбек модели” номи билан айтила бошлади. Асарда Президент “Ўзбек модели” ни қуйидагича тушунтиради: “Ўзбек модели” деганда ўзбек миллатининг ўзига хос менталитети, урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини, унинг демографик жараёнлари, аҳолининг миллий таркиби, ва Ўзбекистоннинг яна бир ҳолатини ҳисобга олишга асосланган демократик жамият қуришнинг шакли тушинилади.

Бу Ўзбекистоннинг яна қайси ҳолати?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Муаллиф асарда мураккаб ўтиш даврида бошқа кўпгина муҳим вазифалар қатори халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти унинг манъавий оламига зарар етишига ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига, жумладан аҳолининг бир қисми бойиб, аксарияти ўта қашшоқликда қолиб кетишига йўл қўймаслик масаласи доимий диққат эътиборда бўлганлигини қайд этади. Аслида ҳар қандай ислохотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу-тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар,

унинг ҳаётига тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга ошираётган ислохотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига бир манфаат биринчи ўринга қўйилди. У қандай манфаат?

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

|   |   |   |   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| М | А | Н | Ф | А | А | Т | И |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

### **III-боб. Маънавиятга таҳдид — ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид**

#### **Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар**

Асардаги ушбу бобнинг, “Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар” бўлимида глобаллашувга “бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир”, деб таъриф берилади.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Асарда глобаллашув даврида давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулай имкониятлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши каби ижобий жиҳатларига эътибор қаратилади. Муаллиф глобаллашув жараёнининг айна пайтда мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси сифатида турли сиёсий кучлар манфаатларига хизмат қилаётганини, ушбу жараён орқали миллий қадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар ёпирилиб кириб келаётганини, буларнинг барчаси қандай салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини қандай мисоллар асосида ёритиб беради?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

Асарда бугунги кунда инсон маънавиятига йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюлган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкинлиги уқтирилади. Дарҳақиқат, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб олиш қийин. Шу маънода, муаллифнинг тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш, лоқайдлик ва

бепарволикка барҳам бериш ҳақидаги даъватлари ғоят муҳим аҳамият касб этади. Асарда таъкидлаганидек, бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва яна қандай тарзда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

И.А.Каримов асарида коммунистик мафкура ва унинг ахлоқий нормаларидан воз кечилганидан кейин вужудга келган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши неча минг йиллик анъана ва қадриятларимиз, турмуш тарзимизнинг маънавий негизларига жиддий таҳдид қилиши, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солиши мумкинлиги таъкидланиб, бундай хуружларга қарши курашиш ғоят муҳим эканлиги уқтирилади.

Бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда.

Президент шу боис ёш авлодда нафақат ўз ҳаёти, оила аъзолари, Ватани ва миллати олдидаги, балки атроф-табиат, бутун курраи замин ва жами башарият олдидаги **муҳим бир туйғуни** шакллантириш бугунги кун таълим-тарбия тизимининг энг муҳим масаласи бўлиб турибти, деб ёзади. Бу қандай туйғу?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

|   |   |   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|---|---|
| т | у | й | ғ | у | с | и |
|---|---|---|---|---|---|---|

Президентимиз маънавиятга қарши турли хуружлар ҳақида: *“Бу ҳақда гапирганда, фақат битта миллат ёки халқ ҳақида фикр юритиш масалани ўта тор тушуниш бўлур эди. Яъни, бу ўринда сўз фақат бизнинг маънавиятимизга қарши қаратилган тажовузлар ҳақида, азалий фазилатларимиз, миллий қадриятларимизни ана шундай ҳужумлардан асраш хусусидагина бораётгани йўқ. Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга*

*бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир*”, деб таъкидлайди. Масалага бундай кенг камровли ёндошув кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Муаллифнинг ўзи ҳам эслаб ўтганидек, бизнинг улуғ аجدодларимиз барчаси *“ўз ижоди билан нафақат икки дарё оралиғидаги халқларни, балки бутун олам, дунё тушунчасига хос бўлган макон фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашига”* даъват этиб келганлар.

Бу фарзандлар маконининг номи катакчаларда яширнган?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

Инсоннинг қалби ва онгига жо бўлган миллий маънавий-ахлоқий негизлар уни бутун умри давомида ҳалол, пок, билимли, халқ хизматида бўлишга, Ватан равнақи ҳамда тараққиётига ҳисса қўшишга, ўзининг онгли ва эркин мушоҳада қилувчи шахс сифатида камол топишига муттасил равишда ундайди. Президентимиз И.А.Каримов доимо таъкидлаб келганидек: *“...Фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларимиз асосида, ўз фикру тафаккури ва замонавий билимга эга бўлган ватанпарвар этиб вояга етказиш – барчамизнинг оталик ва оналик бурчимиздир.”* Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга ҳозирги замон талаблари даражасида билим ва тарбия бериш, уларни юксак маънавиятли, онги ҳарқандай салбий таъсирларга нисбатан бардошли қилиб вояга етказиш – бугунги кун таълим муассасаларининг асосий вазифасидир, чунки фақат ана шундай инсонларгина келажакда бир пойдеворни ярата оладилар.

Президент қандай пойдеворни назарда тутмоқда?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Президент халқларининг ўзаро яқинлиги хусусида минг йиллар давомида ер юзидаги турли минтақаларда яшаган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий алоқалари ҳозирдагидек яқин бўлган эмас. Асрлар мобайнида ер юзида турли маданий минтақалар шаклланган. Европа

халқларининг умумминтақа маданияти, жануби-шарқий Осиё халқлари минтақа маданияти, Ҳиндистон яримороли ва унга қўшни ҳудудларда яратилган умумий маданият ва бошқа бир қатор минтақалар маданияти - буларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ қилувчи қатор диний эътиқод, фалсафий мактаблар, санъат ва адабиёт, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос уйғун бир тизимларини вужудга келтирган-ки, аҳли башарнинг бундай бебаҳо мулкини, маънавий хазиналарини бефарқлик билан бир-бирига қориштириб юбориш мутлақо ижобий натижалар бермайди, деб ёзади.

Бутун дунё халқлари бир-бирини тушуниб яшашга интилоғи лозим. Душманлик, ғайр қўзи билан қараш эмас, меҳр башариятни бирлаштиради. Бу улуғ ҳақиқатни бизнинг аجدодларимиз аллақачон англаб етганлар. Аммо ўзгани тушуниш учун, ўзгага меҳр қўзи билан боқиш учун, аввало, инсон ўзлигини англаб етмоғи керак. Ўзлигини англамаган зот ҳеч қачон ўзгани тушунмайди, уни холис қабул қилмайди. Асли миллий маънавиятимизга бугунги айрича эътибор ҳам ушбу ўзлигимизни англаб етишга бўлган кучли бир нарсанинг натижасидир, деб таъкидлайди муаллиф.

Бу англаб етишга бўлган кучли бир нарса нима?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

XIX-XX асрлар давомида фан ва маданият тараққиёти жиҳатидан Европа минтақаси бошқалардан узил-кесил илгарилаб кетди ва натижада “жаҳон фани”, “умуминсоний қадриятлар” деганда биринчи навбатда Европа маданияти унсурлари тасаввур этила бошланди, деб ёзади асар муаллифи. Янги даврдаги бу минтақанинг ютуқлари кўп жиҳатдан маданий интеграция жараёнлари билан боғлиқ. Бу даврда Европа халқлари (инглизлар, немислар, французлар ва ҳ.к.) минтақа миқёсидаги ўзаро маданий ахборот алмашинув доирасидан чиқиб, ўзга минтақаларда яралган бойликларни ўзлаштира бошладилар. Шарқшунослик кенг ривож олди. Турли фан соҳалари шарқшуносларнинг ютуқларидан ижодий фойдалана бошладилар. Европаликларнинг Осиё ва Африка мамлакатлари ва халқлари ҳаётини ўрганиши, бир томондан, уларнинг олам ҳақидаги тасаввурларини

кенгайтириб, турли минтақа халқларининг бир-бирларини тушуниш, ўзаро эркин мулоқот қилиш имкониятларини оширган бўлса, иккинчи томондан, муайян ғаразли кучлар учун ўзларига қараганда иқтисодий ва ҳарбий жихатдан заифроқ бўлган юртларни босиб олиш, қарамлик асоратига солишга бўлган интилишлари йўлида хизмат қилди.

XX аср охири - XXI аср бошларига келиб интеграция жараёнлари янада авж олди, замонавий ахборот технологияларининг бемисл ривож ва ягона жаҳон ахборот майдонининг шаклланиши бу жараённинг янги босқичга кўтарилишига, Президентнинг янги китобида топиб айтилганидек, *“цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши”*га олиб келди. **“Юксак маънавият – енгилмас куч”** китобида бу ҳодиса оддий қилиб *“ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви”* деб тушунтирилади.

Сиёсий адабиётларда бу жараён қандай номланмоқда?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

Асарда **глобаллашув ва** интеграция жараёнларининг талай ижобий имкониятлари бирма-бир санаб ўтилади. Уларни умумлаштириб айтиладиган бўлса, биринчи навбатда турли соҳаларда (жумладан, иқтисод, сиёсат, маданият соҳаларида) *“давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши”*га хизмат қилиши мумкин, ва дарҳақиқат, бундай ҳамкорлик муносабатлари кундан-кунга кенгайиб ва рангбаранглашиб бораётганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Шу билан бирга дунёда барча одамлар ҳам эзгу ниятлар билан иш олиб боради, дейиш қийин. Баъзилар учун бу ҳаётда вужудга келган ҳар бир янгилик уларнинг ўз ғаразли мақсадларига қулай бир восита хизматини бажариши керак. Жумладан, жаҳонда ягона ахборот майдонининг вужудга келиши ҳам бундай бузғунчи кучлар учун *“айни муддао”* бўлди. Улар зудлик билан бу қудратли воситани ҳам ўз қабиҳ ниятлари йўлида ишга солиш ҳаракатига тушдилар. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, бундай ёвуз ниятли кучларнинг Ватани ҳам, миллати ҳам, дину имони ҳам йўқ. Улар гоҳ

“эркинлик ва демократияни олга силжитиш” ниқоби остида гоҳида яна бир қиёфада ҳаракат қилишлари мумкин, деб огоҳлантиради муаллиф.

Бу қандай қиёфа?

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

Президент И.А.Каримовнинг янги китобида инсонларнинг Борлик ҳақиқатига муносабатидаги икки хил ёндошув, **“бир-бирини инкор қиладиган икки хил ҳаётӣ қараш”** ҳақида гап боради:

*“Биринчиси – ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охираат ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётӣ қарашлар.*

*Иккинчиси – бунга мутлақо қарама-қарши бўлган ёндошув, яъни, ҳаётнинг маъно-мазмунини ҳақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидagi бурчига умуман бошқача бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-қарашлари.* Китобда бурчига умуман бошқача бўлиб яшайдиган одамлар номи қандай номда кўрсатилган?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

Бугунги кунда бутун дунёдаги фикрловчи инсонларни **“оммавий маданият”** ҳодисаси борган сари қаттиқроқ ташвишга солмоқда.

Инсон ахлоқини мўътадил тутишда имоннинг аҳамиятини етарли ҳисобга олмаслик XX аср ўрталаридан бошлаб (айниқса, 60-70 йилларда Европа ёш йигит-қизлари орасида авж олган очик зинокорликни тарғиб қилувчи “сексуал инқилоб” баҳонасида) моҳиятан ғайриинсоний “ахлоқӣ” (аниқроғи, ғайриахлоқӣ) меёрларнинг Европа муҳитида урчиб кетишига олиб келди (шаҳватни кўзғатишга қаратилган “мода”ларнинг кенг тарғиб қилиниши, бир хил жинс эгалари “никоҳи”га қонуний тус берилиши, кино ва теленамойишларда аёл яланғоч бадани ва жинсий муносабатларнинг эркин

намойиш қилиниши, зўравонлик, бузғунчилик, қимор, маст қилувчи ичимликлар тарғиботи ва ҳк.). Европа муҳитидаги бундай хатарли тамойиллар турли йўллар билан дунёнинг бошқа минтақаларига ҳам кириб келмоқда.

Президент ўз асарида *“Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаётига, ёшлар тарбиясига ва шунинг билан бирга оиланинг нималигига катта хавф солмоқда”*, - деб ёзади.

Хўш, юқоридагилар билан бирга оиланинг нималигига хавф солмоқда?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | г | а |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|

Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, деб огоҳлантиради муаллиф,- бугунги кунда яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ва зиддиятлар фақат салтанатлар, халқлар ва шахслар ўртасида эмас, балки ҳар биримизнинг калбимизда, онгимизда кечмоқда. Яъни бу муаммолар фақат ёш авлодгагина тааллуқли эмас. Душман очик-ойдин ўзини кўрсатмайди: сиз махсус кабел орқали берилиб кино кўриб ўтирибсиз, ёки интернет орқали муайян сайтлардаги маълумотлар билан танишаяпсиз, кўчада турли рекламалар диққатингизни тортаяпти, эҳтиёт бўлинг, сизни керакли йўналишда “тарбия” қилишаяпти, ўз қарашларини турли воситалар билан онгингизга сингдиришаяпти. Шундай, *“улар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва зоялар пардаси остида иш кўради.”* Биз эса сал ғафлатга берилсак, онгимиздаги ўзгаришларни ўзимиз ҳам пайқамай қоламиз. Муаллиф шундай хулоса қилади: *“Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган қандай фикрли ҳар бир одам яхши тушунади.”*

Бундай одамларнинг қандай фикрлилиги катакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

Ҳар бир инсон Ватан, Миллат, Адолат тимсол-тушунчаларининг ўз руҳидаги пойдор маънавий қадриятларга айланиши учун ўзгалар ибратида синаши, бу йўлда риёзат чекиши, уларга нисбатан кўнглида меҳр уйғониши зарур, деб таъкидланади, асарда.

Китобда, имон-этиқод ҳақида сўз юритилиб, у маънавиятнинг умуртқа поғонаси деб ҳисобланади. Халқимизда бировни “имонсиз” деб аташ энг оғир ҳақоратдир. Биз динимиз ислом деймиз, Қуръони каримда ёзилишича, Аллоҳ бани башарни ўзига ибодат қилиш учун яратган. Лекин кўпчилик исломий ибодатлар деганда, намоз, рўза, закот, ҳаж амалларини кўз олдида келтиради. Буюк тасаввуф пири Баҳоуддин Накшбанд эса Расулulloҳ (сав)нинг қуйидаги ҳадисини келтиради: “Ибодат ўн қисмдир, унинг ўндан тўққизи ҳалол ризқ топиш ҳаракати, қолган барча ибодатлар ўндан бирини ташкил этади.” Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолиқ Гиждувонийларнинг пири муршиди ҳисобланган шайх Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳаёт мезони” асарида Пайғамбаримизнинг яна бир ҳадислари келтирилади: “Мусулмон бўлмагунларингизча жаннатга кирмайсизлар, бир-бирларингизга самимий меҳр қўймагунларингизча мусулмон бўлмайсизлар.” Ютрбошимизнинг кўрсатишларича, биз фарзандларимизга **имоннинг** асосий шарти **ҳалоллик, адолат ва инсонга, табиатга меҳр** деб уқдиришимиз, нафақат уқдиришимиз, балки шу йўлда ўзимиз улар учун яна бир кўринишда бўлишимиз шарт.


Бу қандай кўриниш?

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

Мазкур китобда **“инсон маънавий оламнинг юксалиши”** деганда нимани тушуниш керак, деган саволга аниқ ва лўнда: **“Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш”**, деб жавоб берилган. Аммо муаллиф яна таъкидлайдики, ушбу қонидани тушуниш ва эътироф этишнинг ўзи кифоя эмас, балки айти шу эътиқодга амал қилиб яшаш – **“одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон”дир.** “Ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада

*ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур”, деб такрорлайди муаллиф.*

Президентнинг таъкидлашича, ҳар бир ишда қийинчиликни бўйнига олган одам ҳақиқий ютуққа эришади. Айниқса, биз зиёлилар, ёш авлод тарбиячилари ўз вазифамизга масъулият билан ёндошсак, *“фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш”*дан, шу йўл билан улар онгида *“мафкуравий иммунитет”* ҳосил қилишга уринишдан чарчамасак, миллатимиз яна буюк миллат бўлади, авлодларимиз аждодларимизга муносиб нима касб этади?



### **Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя**

Китобнинг ушбу бўлимида дунёнинг геополитик, иқтисодий-ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида туб ўзгаришлар рўй бераётган шароитда ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлиги асослаб берилган.

Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади, дейилади асарда. Шундай экан, юртимизда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун уларнинг калби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз лозим. Токи, ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар кадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этади, бизга мутлақо бегона ғоялари ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Асарда муаллиф худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятни буткул халос этиш зарурати ҳақида куйиниб ёзади.

Юртбошимиз инсонга хос бўлган энг ёмон иллатлардан бири ҳақида алоҳида тўхталади. Зеро, ҳар қандай ёвузлик шу иллатдан бошланади, эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган бундай одам қўрқинчлидир.

Бу ёмон иллатнинг номини топинг?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди, деб ёзади Президент. Ахборот асри, электроника асри деб аталган XX аср ниҳоясида бу таъсирлардан холи бўлиш деярли имконсиздир. Мана шундай бир вазиятда одам мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий қадриятларига эга бўлиши ҳар қачонгидан муҳимроқ бўлиб қолмоқда. Мана шу шарт-шароитларнинг барчаси маънавият, миллий мафкура аҳамиятини янада кучайтиради. Бугунги кунда ғояни, фикрни тақиқ билан, ва яна қандай чоралар билан енгиб бўлмайди, деб таъкидлайди муаллиф?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

Шу боис ҳам юртбошимиз Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишишгина мукинлигига асосий эътиборни қаратиб келмоқда. Шундай экан биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялашимиз учун уларнинг онги ва қалбида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга дунёни чуқур англайдиган, бир даврга мос қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин, деб кўрсатилади асарда.

Қайси даврга мослиги катакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  |  | г | а |
|--|--|--|--|--|---|---|

Президент миллий истиқлол ғояси хақида гапириб, у фуқароларни ғоявий жихатдан тарбиялайди. Ғоя билан ғоянинг, фикр билан фикрнинг, жаҳолатдан маърифатни фарқини англашга, маърифатга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фуқароларда миллий истиқлол ғоясига «зид» бўлган ёт ва бегона, зарарли ғоялардан сақланишга, унга нисбатан фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш, унга нисбатан доимо тайёр бўла олиш учун бир нарсани шакиллантиради, деб қайд этади.

У нарса нима?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Миллий истиқлол ғояси мамлакатнинг олдида турган улуғ, бунёдкорлик ишлари ундан кўзланган асосий мақсад инсонларни эркин ва фаровон ҳаётга эришиш, озод ва обод Ватан қуриш йўлида ҳар бир киши учун ҳаракат йўналиши бўлишга қаратилган. Миллий ғоя ҳеч қачон кишиларнинг онги ва дунёқарашини «бошқариш»ни, уларни яна аллақандай «қолипга», «ягона андозага» солишга қаратилган эмас.. У эркин фикрни уйғотиш ва фикр эркинлигини кафолатлаб бериш, ўзгалар фикрини тинглаш, эшитиш ва айтишга имконият яратади.

Миллий ғоя фикрлар, ғояларнинг қандайлигига асосланади, деб таъкидланади асарда?

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  | г | а |
|--|--|--|--|--|--|--|---|---|

Мамлакатда фуқаролик жамияти қурилишида миллий ғоянинг аҳамияти доимо ошиб боради, деб ёзади муаллиф. Чунки, дунёда турли хил ғоялар, турли хил мақсадлар мавжуд бўлар экан, маънавият тизим сифатида амал қилиши керак. Шунда ўзбекистон ўзининг тадрижий ривожига эга бўлади. Миллий ғоя ҳаёт ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда доимо янги-янги муаммоларга дуч келиши мумкин. Ҳар бир давр, замон ва макон ўзгаришлари, унга бўлган ишонч ва эътиқод заруратини доимо сақлаб қолади. Фақат уни янги шароитда янгича ёндашув, янгича технологияларни

жорий этиш асосидагина одамлар онги ва тафаккури, ишонч ва эътиқоди билан боғлиқ бир оламнинг негизи бўлган маънавият узлуксиз равишда мустақилликни мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга шарт-шароит яратади, деб таъкидланади асарда.

Бу қайси олам?

|  |  |  |  |  |  |   |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|---|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  |   |   |   |   |
|  |  |  |  |  |  | о | л | а | м |

Президент мафкуравий курашлар хусусида тўхтаб: айни пайтда жаҳон майдонларини мафкуравий жихатдан бўлиб олишга уринишлар турли хил кўринишларда рўй бермоқда: буюк давлат гегемонизми асосида; этник бирлик ва кадриятларга таянган ҳолда; ахборот воситаларни қўллаш орқали; диний мансубликка кўра; собиқ сиёсий бирликларни тиклаш асосида ва бошқалар.

Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун курашнинг намоён бўлиши ҳар қачонгидан шиддатли тус олаётгани яққол кўзга ташланмоқда: дунёнинг мафкуравий манзарасининг ўзгариб бориши; геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг уйғунлашиб бориши; мустақилликни қўлга киритган мамлакатларда мафкуравий тамойиллар аҳамиятини ошиб бориши; мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ва шу кабилар.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳозирги даврнинг энг муҳим вазифаларидан бири ушбу жараёнларга мос келадиган қандай авлодни тарбиялашдан иборат, деб кўрсатилади асарда?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Асар муаллифи эркинликни, юксак маънавиятнинг биринчи шarti, жамият аъзоларининг ўзини озод ва эркин ҳис этишидир, деб ёзади. Зотан, “фуқаро” тушунчаси билан “эркинлик” тушунчаси ўзаро ҳамоҳанг ва маънодошдир. Озод мамлакатнинг эркин шахсида эса кенг имкониятлар даражасида ўз миллати менталитетига хос маънавий янгиланиш содир бўлиши, мустақил тафаккур шаклланиши мумкин.

Президент И.А.Каримов эркин фуқаро, озод шахс, баркамол инсон ҳақида гапирганда унинг қуйидаги тўрт асосий жиҳатига эътиборни қаратади. Яъни Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси:

- ўз ҳақ – ҳуқуқини танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;
- ўз қучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрсин;
- атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин ва муаллиф шунинг билан бирга яна фуқаро

шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан қайси ҳолда кўриб, фаолият юритсин, деб таъкидлайди?

Қайси ҳолда кўриб фаолият юритиш қатакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

|   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|
| х | о | л | д | а |
|---|---|---|---|---|

Асар муаллифи мустақиллик туфайли тобеълик ва қарамликдан озод бўлган давлатимиз ички ва ташқи сиёсатда ҳеч кимнинг аралашуви, тазйиқи ва кўрсатмаларисиз халқ манфаатларини кўзлаб иш юритаётганлиги, юртимиз истиқлолигига бой маданий-маънавий меросимиздан, буюк аجدодларимиз яратган маънавият чашмаларидан баҳраманд бўлишимиз учун кенг йўл очилганлигини қайд этади. Мустақиллик халқимизга юртимизнинг

бебаҳо ер ости ва ер усти бойликларига чинакамига эгаллик қилиш, ўз диёрида ўзини эркин ҳис этиш, эркин фикрлаш, ва яна онглилик билан боғлиқ бир жиҳатни юритиш имконини берди.

Бу онглилик билан боғлиқ бир жиҳат нима?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

#### IV – боб. Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори

##### Инсон қалбига йўл.

“Юксак маънавият-енгилмас куч” асарининг Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори номли бобининг “Инсон қалбига йўл” деб номланган бўлимида “маънавиятни қудратли кучга айлантириш учун қандай масалаларга биринчи галда эътибор бериш, қандай ишларни амалга ошириш зарур?” деган савол қўйилиб, “бу борадаги фаолиятни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этиш”гина “инсон қалбига йўл топиш”да ҳал қилувчи роль ўйнаши ҳар томонлама таҳлил этилади. Унда маънавиятни инсон қалбига сингдириш машаққатли ва шунингдек доимий фаолият эканлиги, уни тизимли равишда ташкил этиш эса, мақсадга эришишнинг бирдан-бир устувор йўли эканлиги ҳақида сўз юритилади. Асарда таълим-тарбия соҳаси, матбуот, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, яъни инсон қалби ва тафаккурига таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни замон талаблари асосида ва халқнинг бир заруриятига мос равишда кучайтириш зарурлиги яна бир бор таъкидланади.

Хўш, бу халқнинг қандай зарурияти?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Юртбошимизнинг қайд этишича, “Инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади”. Шу боис ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнати ҳурмат билан тилга олинади.

Янги инсонни тарбиялашда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб институти бўлган маҳалла ва унинг оқсоқоллари, фаоллари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг ижобий таъсири ҳам кучайиб бормоқда. Улар одамлар кўнглига йўл топиб, уларнинг дарду ташвишига шерик бўлиб, ўз вақтида амалий ёрдам, ўринли маслаҳатлар бераётгани жойларда меҳр-оқибатнинг

кучайиб, тинчлик-осойишталикнинг барқарор бўлишига хизмат қилаётганлиги ибратли фикрлар билан тасдиқланади.

Асарда юртимизда янги ҳаёт, янги жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, комил инсон тарбиясида бекиёс ўрин тутадиган “эркин ижод учун, миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халқимиз тарихини, унинг бугунги сермазмун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди”, дейилади. Айни пайтда ҳозирги дунёда турли маънавий таҳдидлар, жумладан “оммавий маданият”нинг ҳам зарарли таъсири кучаймоқда. Бу таъсирлардан “фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилигининг, ва яна бир қатламнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда”, деб таъкидлайди муаллиф. И.А.Каримов бу ўринда жамиятимизнинг қайси қатламини назарда тутмоқда?

|  |  |  |  |
|--|--|--|--|
|  |  |  |  |
|--|--|--|--|

|  |  |  |  |
|--|--|--|--|
|  |  |  |  |
|--|--|--|--|

Асарда ҳозирги пайтда электрон ахборот воситалари, хусусан телевидение ва радионинг таъсири ўта кучайганини эътиборга олиб, бу соҳани изчил тараққий эттириш давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътибор марказида бўлиши табиийлиги таъкидланиб, шу билан бирга, “матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагини ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат бунини сезмаслиги мумкин эмас”, деб огоҳлантирилади. Шу тариқа матбуот ходимларининг касб маҳоратини ошириш, уларнинг ўз мустақил ҳаётининг позициясига эга бўлиши, қатъият ва шижоат кўрсата олиши, шу билан бирга яна уларнинг қандай яшаши жамиятдаги маънавий ўзгаришларнинг муҳим ва қилувчи шартини экани китобда чуқур асослаб берилган?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |
|--|--|--|--|
|  |  |  |  |
|--|--|--|--|

|   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|
| б | и | л | а | н |
|---|---|---|---|---|

Президент асарида инсоннинг “маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита” бу — сўз санъати, бадиий адабиётдир, дейилади.

Адабиёт азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади. Мустақиллик йилларида адабиётни ривожлантириш, тарихий ҳақиқат билан бирга, бугунги кун ҳақида, замонамиз қаҳрамонлари ҳақида янги-янги асарлар яратиш замон талаби бўлиб қолди. Ўзбек адабиёти намуналарини тўғридан-тўғри ўзбек тилидан жаҳон тилларига таржима қилиш масаласи ҳам жуда муҳим. Асарда шу сабабли ҳам биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасига қандай сақламоқчи бўлсак, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак, деб таъкидланади.

Авлодлар хотирасига қандай сақлаш катакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

Мазкур асарда муסיқа санъати ривожига ҳам алоҳида эътибор берилади. “Халқимиз ҳаётида муסיқа азал-азалдан беқиёс ўрин тутиб келади. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най чолғуси топилгани ҳам шундан далолат беради”, деб ёзади муаллиф. Истиқлол йилларида бу санъат турига эътибор кучайиб, кенг миқёсли дастур ва режалар қабул қилинди. Шу боис асарда мумтоз муסיқий меросни асраб-авайлаш, болаликдан бошлаб муסיқий маданиятни юксалтиришга аҳамият қаратиш, ёшларни айниқса ўзига кўп жалб этадиган эстрада санъатининг сифати ва савиясини кўтариш, бунда авваламбор шу борадаги бир иборанинг маъно-мазмунига алоҳида эътибор бериш, уни “ажнабий “оммавий маданият” кўринишларига тақлид қилишдан асраш масалалари ёритилади.

Бу ерда қайси ибора назарда тутилмоқда?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

Миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган театр санъати хусусида ҳам асарда атрофлича мушоҳада юритилиб, “ҳозирги вақтда республикасиз театрларида турли мавзу ва жанрларда кўплаб спектакллар яратилаётгани, уларда ўзига хос изланишлар давом этаётгани” қайд этилади. Китобда шу

билан бирга, “бугунги ҳаётимизни, замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ҳар томонлама чуқур очиб берадиган, томошабинни ўзига тортадиган, ҳам драматургия, ҳам режиссура нуқтаи назаридан қандай асарларнинг кам эканлиги айтиб ўтилади?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

Мазкур асарда кино санъати ҳақида гапирилиб, у ҳозирги кунда санъатнинг энг оммавий тури бўлиб, бу соҳада Ўзбекистонда ўзига хос ижодий мактаб яратилганлиги қайд этилади. Бу санъат турининг инсон онги ва тафаккурига беқиёс таъсирини инобатга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий кинематографияни ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу тўғрисида соҳада жиддий ўзгариш ва янгиланишлар рўй бермоқда. Лекин ҳақиқий замонавий қаҳрамон образи кино экранларимизда ҳали ҳам яратилганича йўқ. Бунинг асосий сабабларидан бири шу соҳада самарали фаолият юрита оладиган кадрларни тайёрлаш масаласига бориб тақалади. Асарда профессионал кино мутахассислари, хусусан, режиссёрлар, сценаристлар тайёрлайдиган том маънодаги бир мактаб ўзимизда ҳанузгача шаклланмаганлиги қайд этилади.

Бу қандай мактаб?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|   |   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|---|
| м | а | к | т | а | б |
|---|---|---|---|---|---|

Китобда миллий тафаккур салоҳиятига эга бўлган истеъдодли ёшларни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар эътироф қилинар экан, бу борада тасвирий санъатдаги ўзгариш ва ютуқлар ҳам эътироф этилади. Истиқлолга эришганимиздан сўнг тарихий адолат қарор топиб, халқимизнинг топталиб келган миллий ғурурини юксалтириш мақсадида Соҳибқирон Амир Темурнинг нафақат муборак номи, бой мероси ва хотирасини, айтиш пайтда тарихий сиймосини ҳам тиклашга қарор қилинди.

Муаллиф асарда

наинки Амир Темур сиймоси, “изланиш ва тажрибалар асосида кейинчалик Фарғона шаҳрида – Аҳмад Фарғоний, Урганчда – Муҳаммад Мусо Хоразмий ва Жалолиддин Мангуберди, Навоий шаҳрида – Алишер Навоий, пойтахтимизда – Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Зулфия сингари

алломаларимиз, ёзувчи шоирларимиз ҳайкаллари, Термиз шаҳрида Алпомиш, Қарши шаҳрида эса бир номдаги монументал санъат асарлари барпо этилганлигини ҳам таъкидлайди.

Қарши шаҳридаги монументал асарнинг номи катакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

И.А.Кармов санъат ва маданиятга доир фикр–мулоҳазаларини умумлаштириб, қуйидаги хулосага келади. “Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳар қайси истеъдод эгаси ўзига хос бир олам, шу сабабли ижод аҳлига қандайдир ақл ўргатиш, энг асосийси, уларни бошқаришга уриниш мумкин эмас. Лекин бу ҳаётда уларни бирлаштирадиган илҳомлантирадиган, янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган муқаддас тушунчалар борки, улар Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир”.

Асарда кўрсатилишича, ҳар қайси инсон ва жамиятнинг маънавий дунёсига айнан шундай кўз билан қараш, одамни онгли яшашга, етукликка чорлайдиган бундай беқиёс қудрат манбаининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш муҳим бир ҳақиқатни, яъни биз асарни ўқиб англаётган ҳақиқатни англатади ва тасдиқлайди.

Бу англаптилаётган ва тасдиқланаётган ҳақиқат катакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |

Муаллифнинг таъкидлашича, маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзланган мақсадга эришаолмаймиз, яъни, инсон қалбига йўл тополмаймиз.

Шунинг учун ҳам биз бугунги кунда инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир кўрсатадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг

маънавий эҳтиёжлари, замон тааблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Асарда инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланиши айтилиб, қачонки бу ҳақда гап кетса, аجدодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот – ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз, деб қайд этилади.

Муаллифнинг таъкидлашича, бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларга нисбатан ҳамиша бир туйғу билан яшайди.

Бу қандай туйғу?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  | л | и | к |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|

|   |   |   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|---|---|
| т | у | й | ғ | у | с | и |
|---|---|---|---|---|---|---|

Мактаб деган улуғ даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди, деб ёзади, президент И.А.Каримов.

Президентимиз маърифатпарвар боболаримизнинг фикрини давом эттириб, агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир. Чиндан ҳам, ўқитувчи наинки синф хонасига файз ва зиё олиб қирадиган, баки минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини бахш этадиган, ўз ўқувчиларига ҳақиқатан ҳам ҳаёт мактабини берадиган мўътабар зотдир, деб баҳо беради. Она тилимизда бу борада икки маъноли ибора кўп ишлатилади. Бундай чуқур маъноли ибораларнинг мавжудлиги ҳам бу муқаддас жойнинг, заҳматкаш ўқитувчи меҳнатининг давлат ва жамият ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

Бу ибораларни топинг?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

Муаллиф янги жамият бунёдкори бўлмиш янги инсонни тарбиялашда ҳозирги пайтда маҳаллаларимизда самарали фаолият олиб бораётган, бу ноёб тузилмани том маънода ўзини-ўзи бошқариш идорасига айлантиришда катта ҳисса қўшиб келаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг ижобий таъсири тобора ортиб бораётганлиги хусусида тўхтаб, айнан шу инсонларнинг одамлар кўнглига йўл топиб, уларнинг дарду ташвишига шерик бўлиб, ўз вақтида бераётган амалий ёрдамлари, тўғри ва ўринли маслаҳатлари туфайли оила ва маҳалла муҳитида, бутун диёримизда тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари кучайиб бораётганлигини эл-юртимиз юксак қадрлайди. Айниқса, ёш йигит ва қизларимизнинг мустақил ҳаётга кириб бориши, ёш оилаларнинг жамиятдан ўзига қандай ўрин топишида бу фидоий ва меҳрибон, жонкуяр одамларнинг қанчалик муҳим роль ўйнаётганини ҳурмат билан эътироф этишимиз лозим, деб таъкидлайди.

Ёш оилаларнинг жамиятдан топаётган ўрнининг номи каттакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

Оиладаги меҳр-муҳаббат муҳити тўғрисида И.А.Каримов қуйидагича фикр юритади: “Ушбу туйғудан маҳрум бўлган киши ўз яқинларини, ватандошларини, Ватанини ҳурмат қилишга қодир бўлмайди, одамларга яхшилик қила олмайди. Оиладаги меҳр-муҳаббат ва самимият, оила аъзоларининг бир-бирига эътиборлилиги ва ғамхўрлиги болалар руҳиятига кучли таъсир қилади”.

Асарда ота-оналар ҳаётнинг муҳим аҳамиятли ҳолатларида болаларга ёлғон сўзламаслиги керак. Бола ҳар қандай ёлғон, алдаш, сохтакорликни авқулдда ўткирлик билан тез сезади; уни пайқаб саросима ва васвасага тушади, шубҳа-гумонга ғарқ бўлади. Агар бирор гапни болага айтиш мумкин бўлмаса, у ҳолда бемани гапни ўйлаб топиб, сўнгра қаловланиб қолгандан

ёки ёлғон сўзлаб алдагандан, буни бола билиб қолганидан кўра ҳамма вақт яхшиси тўғри жавоб беришдан кочиш ёки болага билдиришнинг маълум бир чегарасидан нарига ўтмаслик лозим. Ҳеч қачон «Буни билишга ёшлик қиласан» ёки «Буни сен барибир тушунмайсан», демаслик керак. Бундай жавоблар боланинг юрагидаги кизиқувчанлик ва худбинликни кўзлайди. Яхшиси «Мен буни сенга айта олмайман: ҳар бир киши маълум бир сирларни ўзида сақлашга мажбурдир, ўзгаларнинг сирига аралашиб ҳадеб сўрайвериш одобдан эмас ва камтарликка кирмайди», деб жавоб берган маъкул, деб маслаҳат берилади. Бу билан тўғрилиқ ва самимиятга зиён етмайди, аксинча бурч, интизом ва яна бир йўналишдан аниқ сабоқ берилади, деб кўрсатади муаллиф.

Сабоқ бериладиган бурч, интизомдан ташқари яна бир йўналишнинг номини топинг?

|  |  |  |  |  |  |   |   |   |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|---|---|---|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  | л | и | к | д | а | н |
|--|--|--|--|--|--|---|---|---|---|---|---|

Оила бир канча функцияларни бажарадиган ижтимоий институт ҳисобланади. Бу функциялар ичида муайян бир мафкура доирасида мустаҳкамланган ғоялар, қадриятлар, ғоялар тизими асосида дунёқарашни шакллантириш функцияси ҳам бор, деб таъкидлайди юртбошимиз.

Яхши фарзандлар отанинг изидан боради, дўстлари, қадрдонларини ҳурмат қилади, укаларини тарбиялайди, қариндош-уруғларига меҳр-оқибатли бўлади. Булар ота меҳри ва умид билан қалбига эккан маънавият уруғининг янги меваларидир. Ота қолдирган яхши номни фарзандлари ахлоқи ва одоби, ҳалол меҳнати, эл ўртасидаги ҳурмати, обрў-эътибори билан улуғлайдилар, руҳини шод қиладилар. "Одам ўлганидан кейин ҳам унинг фойдасига ёзилиб турадиган амаллар бор, дейилади ҳадисларда. Булардан бири комил фарзанддир".

Халқимизда ота изидан борган фарзанд ҳақида яхши бир мақол бор. У қайси мақол?

|  |  |
|--|--|
|  |  |
|--|--|

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |
|--|--|--|
|  |  |  |
|--|--|--|

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

Асарда ёш авлоднинг маънавий тарбиясида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва ўтмиш аجدодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Биз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани – бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз.

Ана шундай ҳақиқатни халқимиз ҳар томонлама тўғри тушуниб, танлаган тараққиёт йўлимизни қай тариқа қабул қилгани ва қўллаб-қувватлагани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда».

Хўш халқимиз танлаган йўлимизни қай тариқа қабул қилди?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Юртбошимизнинг қайд этишича инсоният тарихи шу нарсани қатъий равишда исботлаганки, мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмас экан. Қаерда шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонини бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар эгаллашга уриниши ҳам тарихан исботланганлиги шубҳасиз. Агарда ён-атрофимиздаги воқеликка теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, табиий захираларга бой, геополитик нуқтаи назардан ғоят қулай ҳудудда жойлашган юртимизга кўз олайтирадиган, бизга таъсирини ўтказишни истайдиган турли носоғлом кучлар мавжудлигини инкор этолмаймиз. «Улар - деб ёзади. И.А.Каримов - ўз ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслиги бугунги кунда аён бўлиб қолди. Бу кучлар катта маблағ ва замонавий қурол-аслаҳаларга эга. Лекин уларнинг энг ёвуз қуроли – миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган, энг ёмони, эртага ўрнимизни эгаллаши лозим бўлган ёш

авлоднинг қалби ва тафаккурини заҳарлайдиган ёмон бир қуролдир. Президент бу ёмон қурол ўрнида ишлатган ибораси катакчаларда яширинган.

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  | д | и | р |
|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|

Асарда нега айнан ғанимларимиз ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, оқ-қорани таниб улгурмаган ёшларга эътибор қаратмоқда деган савол туғилиши, чунки айнан ёшлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда асосий таянч куч эканлиги, ёшлар маънавиятини ошириш масалаларининг бирламчи ёки иккиламчи вазифалари йўқлиги, уларнинг барчаси бир йўла ҳамда доимий диққат-эътибор ва хушёрлик марказида туриши лозимлиги таъкидланади. Шунинг учун таълим-тарбия, билим ва дунёқарашга катта аҳамият берилмоқда, деб ёзади муаллиф. Бола тарбияси бешикдан бошлаганидек, маънавий баркамоллик ибтидосини ҳам оила, боғча, мактаб, олий ўқув юртлари ва ҳоказо масканлардан бошланади. Бу тарбия нима бўлса, эгри кўчатни синдирмасдан тўғрилаш қанчалик қийин бўлганидек, маънавий камолатга эришиш ҳам шунчалик кечикади, ё оғир кечади?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | С | А |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|

Ҳозирги кунда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагини ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат буни сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас, деб ёзилади мазкур асарда.

Оммавий ахборот воситалари - энг асосий, қудратли ва таъсирчан тарғибот қуроли ҳисобланади. Чунки оммавий ахборот воситалари омманинг ўзига хос тарбиячиси, муҳим тадбирларнинг ташкилотчиси, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади. Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий қадриятларимиз ва умуминсоний қадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғиб-ташвиқ қилинади. Оммавий ахборот воситалари доимо демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб келган. Эркин ва

мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни мустаҳкамлаб, ва уни яна нима қилади?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | а | д | и |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|

Асарда бугунги кунда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини мустақил ижтимоий кучга, сиёсий тизимнинг тўлақонли бўғинига ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсирчан воситага айлантириш вазифаси долзарб бўлиб қолаётганлиги таъкидланади. Оммавий ахборот воситаларининг эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган, журналистларни тайёрлаш масаласига давлат даражасида эътибор берилмоқда, журналист-кадрларни ўзимизда тайёрлаш билан қаноатланмай, бу соҳа мутахассисларининг хорижда таълим олишларидан маблағ аялмаётир. Кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун қулай муҳит яратилган.

Ғарбда оммавий ахборот воситаларига қўпол бўлса ҳам жамият манфаатларини “қўриқловчи кўппак”, деб нисбат берадилар. Етук демократик давлатларда улар жамиятнинг “кўзлари”, “қулоқлари” вазифасини бажарадилар. Бизда эса оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий бир сиёсий кучга айлантириш муаммоси юзага қалқиб чиқмоқда. Бу оммавий ахборот воситаларини сиёсий қандай кучга айлантириш муаммоси?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | г | а |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|

Муаллиф асарда биз демократияни қандай тушунсак, оммавий ахборот воситаларига ҳам шундай вазифаларни юклаймиз. Биз демократияни мустақиллик, эркинлик ва масъулият деб тушунар эканмиз, оммавий ахборот воситаларидан ҳам мустақиллик, эркинлик ва масъулиятни кутамиз. Демак, журналистлар бу тушунчаларини англаши, уларга эҳтиёж сезиши, уларни кадрлаши, улардан фойдалана билиши ва улар учун курашиши зарур.

Муаллиф оммавий ахборот воситалари орқали миллий истиклол ғоясини сингдиришнинг яна бир муҳим жиҳати мавжуд, деб ёзади. Бу жиҳат - ахборот террорига, мафкуравий таҳдидларга муносиб жавоб бериш, маънавий-

мафкуравий жихатдан халқимизни тобе этишга интилишларнинг пайини кесиш ва Ўзбекистон фуқаролари онгида бир нарсани шакллантириш билан боғлиқ.

Бу шакиллантирадиган нарса нима?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |

Асарда таъкидланишича, сўнгги пайтларда информацион хуружларнинг тез-тез уюштирилаётгани аслида урушга муносабатнинг ўзгарганлигидан, қуролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Бу қурол – ахборотдир. Бундай қурол ёрдамида олиб бориладиган информацион урушларда инсоннинг онги ва қалби нишонга олинади. Гарчи у дайди ўқ сингари инсонни жисмонан йўқ қила олмаса-да, унинг қўпоровчилик кучи, келтирадиган талофотлари ҳар қандай оммавий қирғин қуролиникидан кам эмас. Чунки бу қурол ёрдамида онгга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни ўз манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундайди ва демак, инсонни бошқариш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради. Аслида ахборот мақсадга эришишнинг энг арзон воситаси ҳам саналади. Ҳақиқатан ҳам, информацион хуружлар уюштириш учун у қадар кўп меҳнат, у қадар кўп ҳаракат, у қадар кўп ҳаражат талаб этилмайди. Гарчи бундай мафкуравий экспансия отишмалар ва қон тўкишларни келтириб чиқармаса-да, миллий бир жараённи заифлаштириш эвазига таназзулга олиб келади.

Бу миллий жараённинг номи катакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Президент асарда Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири Маргарет Тетчернинг: “Оммавий ахборот воситалари – террорчилар учун кислород вазифасини ўтайди”, деган сўзини эслатади. Муаллиф фикрини давом эттириб, бу гапнинг мағзини чаққан одам “оммавий ахборот воситалари террорчилар учун ҳаводек зарур экан”, деган хулосага келади. Бир қарашда бу фикр мантиқсиздай туюлади. Чуқурроқ ўйлаб кўрсак-чи? Аслида террорчилар бир қанча инсонларни шафқатсизлик билан ўлдириш орқали

миллионларда кўрқув ва даҳшат уйғотишга интиладилар. Демак, уларнинг мақсадлари - ўлдириш эмас, жамоатчиликка кучли таъсир қилишдир, деб таъкидлайди. Таассуфки, баъзи оммавий ахборот воситалари ўзлари билмаган ҳолда терроризмнинг бузғунчилик, қўпоровчилик таъсирини янада оширишга “хизмат” қилиб қўядилар. Уларнинг террор оқибатлари ҳақидаги ваҳимали ахборотлари инсонлардаги кўрқувни, даҳшатни, ҳимоясизлик ҳиссини янада кучайтириб юборади. Бу каби ахборотларга қарши қандай ишни уюштириш зарурати туғилади, дейилади китобда?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | н | и |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|

Инсоннинг, маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётни инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, дейди Президент И.А.Каримов.

Асарда мустақиллик йилларида юртимизда маънавиятимизнинг ғоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнатини кадрлаш ва муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз ҳосилини бераётганлиги, бадиий адабиётимиз мавзулар кўлами жихатидан ҳам, жанрлар нуқтаи назаридан ҳам ранг-баранг бўлиб бораётганлиги, адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётганлиги китобхон халқимизни албатта қувонтиради, деб таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улуғламоқчи, уни аводлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб, Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса – нима яшайди»?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

Инсоннинг руҳий кмолати ҳақида гапирар эканмиз, албатта бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди, деб қайд этади муаллиф.

Музыка садлари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади.

Мустақиллик йилларида улуғ боболаримизнинг анъаналарини давом эттирган ҳолда, мамлакатимизда музыка санъатини кенг ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар амалга оширилмоқда.

Президентимиз асарда республикаимизда бир музыка жанри иборасининг маъно-мазмунига алоҳида эътибор бериш зарурлиги, уни ҳар қандай бегона таъсирдан, айниқса, «оммавий маданият» руҳидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишимиз табиий, деган хулосага келадилар.

Бу қайси музыка жанри?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

Президентимиз асарида маънавиятимизнинг узвий қисми бўлган кино ва театр санъати хусусида сўз юритилади.

Шахсан ҳар сафар Президентимиз «Тоҳир ва Зухра», «Ўтган кунлар», «Сен етим эмассан», «Маҳаллада дув-дув гап» каби мумтоз фильмларни кўрганида бу ҳақиқатга ишонч ҳосил қилишини айтиб ўтадилар.

Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига бекиёс эканини ҳисобга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий кинематографияни ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмоқда, улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ турли мавзулар ёритилмоқда. Асарда бу борадаги камчиликларга тўхталиб, лекин ёшлар тарбиясига чуқур таъсир кўрсатадиган замонавий қаҳрамон образи кино эҳканларимиздан ҳали жой топгани йўқ, миллий кинодраматург ва режиссёрлар тайёрлаш ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда, деб таъкидланади. Президент ўз асарида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг театрни бир ном билан атаганлигини эслашнинг ўзи ўринлидир, деб қайд этадилар.

М.Беҳбудий театрни нима деб атаган эди?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Юртимизда маънавий тикланиш ва янгилаш жараёнлари бошланиши билан бошқа санъат турлари каби монументал санъатда ҳам янги давр бошланди. Ушбу соҳа шу қадар нозик ва мураккабки, унда ҳар бир деталь, ҳатто энг майда бўлиб кўринган масалага ҳам жиддий эътибор қаратиш талаб этилади, деб ёзади муаллиф.

Асарда монументал санъат соҳасида амалга оширилган улкан ишлардан Бухорода Абдуҳолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Самарқандда Имом Бухорий ва Имом Мотуридӣ, Марғилонда Бурҳониддин Марғиновий, Тошкент шаҳрида Ҳазрати Имом сингари ёдгорлик мажмуалари яратилганлиги эслатилади.

Агарки қайси ижодкор ўз асарларида ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб кўяр экан, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг қандай вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

### **Энг буюк жасорат.**

Президент ушбу бўлимда маънавий жасоратни, яъни умумэътироф этилган улкан маънавий қадриятларга суянган ҳолда, эзгулик йўлида ёниб яшаш, ўзининг бор куч ва имкониятларини ибратли ишларга сафарбар этиш аслида бу оламда яхшилик, адолат ва меҳр-оқибат, ўзаро ишонч туйғуларини асраб келаётган муқаддас фазилатлардан бири эканлигини таъкидлайди. Маънавий жасорат дунёдаги барча халқларга хос бўлган умумбашарий ҳодиса сифатида нафақат инсоният равнақиға, керак бўлса, унинг ер юзида муносиб яшаб, ўз номини асраб қолишиға ҳам хизмат қилиб келмоқда, деб қайд этади муаллиф.

Маънавий жасорат, тарихнинг қайси босқичида рўй беришидан қатъи назар, бутун инсониятнинг эзгулик ва тараққиёт сари интилишининг ёрқин ифодаси бўлиб қолаверади. Муаллиф улкан маънавий жасорат соҳиблари

бўлган аллома зотлар дунёнинг қаерида яшамасин, яхшилик ва ўқимишлилик йўлида ҳамиша одамларга ибрат бўлиб келганини алоҳида таъкидлайди.

Булар қайси йўллар?

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

|   |   |
|---|---|
| в | а |
|---|---|

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

|   |   |   |   |
|---|---|---|---|
| й | ў | л | и |
|---|---|---|---|

Муаллиф табиат, жамият ва инсон мавжудлигидаги уйғунликни, кўзга кўринмас мислсиз қудрат-энергияни, ўзида ифода этган маънавий жасорат тимсолида намоён бўладиган илоҳий қувватни инсонни том маънода инсон қиладиган омил, деб ёзади. Шу боис у ўз замондошларига, ватандошларига мурожаат қилиб, қандай вазиятда бўлмасин, инсон деган номни шарафга буркаб, доимо маънавий сафарбарлик асосида яшаган, шу йўлда ҳатто азиз жонидан кечишга ҳам тайёр бўлган буюк зотларнинг ҳаёт йўлини ёшлар учун ибрат ва намуна қилиб кўрсатади, мустақилликнинг маънавий асосини айнан ана шундай интилиш, ҳаётга эътиқод билан мустаҳкамлаш зарурлигига эътиборни қаратади.

Узоқ ва яқин тарихимиз шуни кўрсатадики, деб қайд этади муаллиф, халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуғ туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир буюк чексиз чуқурликка ўхшаш жойки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади.

Бу чуқурликка ўхшаш жойнинг номи катакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

Асар муаллифи буюк цивилизация ва маданият бешиги бўлган, кўҳна ва хайратомуз тарихни ўзида мужассам этган Ватанимиздаги бебаҳо ёдгорликлар, осори атиқалар ҳақида сўз юритар эканмиз, шу заминда яшаётган барча инснлар уларни аввало халқимиз даҳосининг ёрқин намунаси, таъбир жоиз бўлса, унинг юксак маънавиятига қўйилган муаззам хайкаллар деб қабул қилади, деб ёзади.

Президент ўз асарида бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима деган саволга ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу қандай жасорат, деб жавоб беради?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

|   |   |   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ж | а | с | о | р | а | т |
|---|---|---|---|---|---|---|

Муаллиф жаҳон тарихига назар ташлаб, қалбида, юрагида ана шундай жасорат ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, Эл-юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини таъкидлайди.

Асарда антик даврга мансуб Юнон файласуфи Платоннинг ҳаёт йўли тасаввур қилинади. Маълумки, Платон бутун умрини илму-маърифатга бағишлаган улуғ донишманд – Сократ ўлимидан кейин Юнон фалсафасининг тақдири хавф остида қолади. Фақатгина Платоннинг фидойилиги ва беқиёс хизматлари эвазига бу фан янги босқичга кўтарилади. Унинг қанчадан-қанча қийинчилик, сарсон-саргардонликдан сўнг бор мол-мулкини сарфлаб, Афина шаҳри яқинидан махсус ер сотиб олиб, олимлар тўпланиб, баҳс-мунозара олиб борадиган жой – академия ташкил этиши чинакам маънавий жасорат намунаси эди. Платон асос солган бу илмий маскан минг йил давомида нафақат Юнон, балки бутун Шарқу Ғарб оламининг ривожига кучли таъсир ўтказди, инсоният тафаккур тараққиётининг бир жиҳатини белгилаб беради.

У тараққиётнинг нимасини белгилаб берган эди?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  | н | и |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|

Президент И.Каримов асарда бундан 1000 йил муқаддам ташкил топган Хоразм Маъмун академияси хусусида тўхтаб, 1997 йилда унинг қайта ташкил этилиб, илмий тадқиқотлар асосида муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бир қатор илмий натижалар олинганлиги, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш юзасидан тегишли илмий-ташкилий тадбирлар амалга оширилиб, қатор илмий натижалар амалиётга жорий қилинганлигини ёзади.

Олимларнинг изланишлари туфайли Хоразм вилоятида 210 минг гектар экин майдонида жорий этилиб, бир йиллик иқтисодий самара 1,78 миллиард

сўмни ташкил қилди; Вилоятда маккажўхорининг уруғчилик тизими яратилди, коллекцион участкалар ва уруғчилик хўжаликлари ташкил қилинди. Биологик хусусиятлари ва хўжалик белгиларига қараб 19 тур ўсимликнинг 38 нави экишга тавсия этилди. Илмий тадқиқотлар натижасида 1061 та илмий иш, жумладан, 30 та монография, 8 та рисола, 460 та илмий мақола ва 473 та тезис (илмий мақола ва маъруза тезисларининг 76 таси хорижда) нашр этилди, деб таъкидлайди муаллиф. Асарда 20 хилдаги маҳаллий ўсимликнинг шифобахш қисмларидан тайёрланган шифобахш бир бальзамни ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги қайд этилади. У қандай бальзам?

|  |  |  |  |
|--|--|--|--|
|  |  |  |  |
|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

Асарда мустақиллик шарофати билан буюк аجدодларимизнинг маънавий меросидан баҳраманд бўлиш ва уларнинг номини абадийлаштириш имкониятига эга бўлинганлиги қайд этилиб, XII аср тасаввуфининг энг ёрқин ва энг улуғ намоёндаларидан бири бўлган мутафаккир бир инсонни ана шундай буюк зотлардан биридир, дейди. У киши “Ватан ҳимояси йўлида шаҳид бўлмоқ - Худо васлига ноил бўлмоқдур”, деган ўзларининг бу олийжаноб фикрларини нафақат ёзганлар, балки ўз даврларида амалда, ўзларининг хайрли ва ўта ибратомуз ҳаётларида қойилмақом тарзда исботлаганлар.

Душман қўшинлари шаҳарни қамал қилган пайтда, у шаҳар мудофаасида фаол иштирок этиб, “ё Ватан, ё шафқатли ўлим” шиори билан бутун халқни эргаштирган.

Шафқат нималигини билмаган душман сардори бу ҳазратга марҳамат кўрсатиб, қамалдан чиқиб кетиши мумкинлиги тўғрисида хабар юборади.

Бу ҳазрат таклифни рад этиб, ватан мудофаасига чоғланган меҳнаткаш халққа бошчилик қилади. Асарда ибрат сифатида намоён этилган бу жасур инсон ким?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

Асарда бу буюк жасур инсоннинг асарлари ва унинг шахсий ибрати ҳозирги кунда ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояси руҳида, миллий кадриятларимизга садоқат, мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва ҳимоя қилишга тайёр туриш руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилади.

У яратган тариқат (оқим) ўрта асрлардаги сўфийлик оқимларидан бири бўлиб, бу оқим Ўрта Осиё, Эрон, Кичик Осиё ва бошқа мамлакатларга тарқалган. Кубровия тариқатидан кейинчалик бир қанча шахобчалар ажралиб чиқиб, бутун дунёда тасаввуфнинг энг кўп тарқалган йўлларида бирига айланади. Булар бу жасур устознинг шогирдлари томонидан тарқатилган бўлиб, шу кунимизгача айрим мамлакатларда: Ҳиндистонда Фирдавсия, Бағдодда Нурия, Хуросонда Рукния, Кашмирда Ҳамадония, кўринишларида давом этмоқда. Бу Кубровия тариқати Эрон ва айрим Ғарб мамлакатларида, Америка, Англияда қайси кўринишда фаолият юритмоқда?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |   |   |   |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  | х | и | я |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|---|---|---|

Муаллиф Амир Темурнинг жаҳон олдидаги хизматлари ниҳоятда катта эканлигини айтиб, XV асрда французлар ҳазрат соҳибқиронга олтиндан ҳайкалча қуйдириб, унга “Европа ҳалоскори”га деган сўзлар ёздириб, Париж музейларидан бирида қўйишганлигини кейинчалик олтин ҳайкалча ўғирлаб кетилганлигини, лекин шуҳрати сўнмаганлигини, Европа ҳавф-хатар остида қолганда, Амир Темур 1402 йилнинг 20 июлида Анқара ёнида бўлган урушда Боязид Йилдирымни тор-мор этиб, бутун Европани турклар истилосидан сақлаб қолганлигини, 1395 йилнинг 17 апрел куни Тўхтамишни Терек дарёси бўйида тор-мор келтириб, Олтин ўрдага ўлим зарбасини берганлигини, 1370-1390 йиллари Мўғулистон ва 1381-1404 йиллари Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Шом (Сурия) устига қилинган юришлар натижасида бу мамлакатларда кўпдан давом этиб келаётган феодал тарқоқлик ва маҳаллий урушларга барҳам берилиб, тинчлик ўрнатилганлигини қайд этиб, натижада, Чингизхон ҳуружидан бери Хитой, Қурия ва бошқа шарқ мамлакатлари билан бир денгиз ҳавзасида жойлашган мамлакатлар ўртасида асрлар давомида давом

этиб келган савдо ва маданий алоқалар қайтадан тикланганлигини таъкидлайди. Бу жойда қайси денгиз ҳавзаси назарда тутилмоқда?

|  |  |  |  |
|--|--|--|--|
|  |  |  |  |
|--|--|--|--|

|  |  |
|--|--|
|  |  |
|--|--|

|   |   |   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|---|---|
| д | е | н | г | и | з | и |
|---|---|---|---|---|---|---|

Темур давлати ўз даврида нисбатан марказлашган давлат эди. Амир Темур давлатни бошқаришда барча ижтимоий табақалар (саййидлар, руҳонийлар, олим фозиллар, аҳли хунар, зироатчилар, сипоҳийлар, савдо-сотиқ аҳли ва бошқаларнинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда қаттиққўллик билан давлатни бошқарди.

Амир Темур салтанатининг тўрт асосий устуни бор эди. Амир Темур салтанатнинг шу тўрт устунига суяниб иш тутди ва давлатини шакллантиришда, уни бошқаришда шу устунларга суяна билди.

Бу устунларнинг учтаси: Ислом ва шариат ақидалари, қадимдан амалда бўлган одатлар–йўсун ва тузуклар, (қонун устуворлиги), ва раийат (меҳнаткаш халқ) дир.

Асарда тўртинчи устун нима эди, деб кўрсатилган?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

Муаллиф Амир Темурнинг жасорати ҳақида давом этиб, у биринчи навбатда халқига ҳамда мамлакатига эрк, тинчлик ва фаровонлик олиб келди. У Чингизхон хуружидан кейин вайрон бўлиб ётган шаҳарларни қайтадан тиклади, ободу-фаровон қилди, Самарқанд, Бухоро, Шом каби шаҳарларни жаҳонга кўз-кўз қилса арзигудек шаҳарларга айлантирди.

Самарқандда 1371 йилнинг боши–1372 йилнинг иккинчи ярмида шаҳарнинг кунботар тарафида баланд тепалик ёнбағрида Арки олий деб аталган мустаҳкам бир қалъа қад кўтарди. Шаҳарнинг девори мустаҳкам қилиб тикланди, унинг олтита дарвозаси: Оҳанин, Феруза, Сўзангарон, Гозургоҳ, Бухоро ва Чорраҳа дарвозалари тикланди. Шаҳар арки ичида тўрт ашёналик иккита улкан сарой қад кўтарди, деб ёзади. Муаллиф китобда қайд этган бу икки саройнинг номи каттакчаларда яширинган?

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Амир Темур Самарқандда ҳар бир мўмин-мусулмон учун муқаддас ҳисобланган зиёратгоҳларни обод қилишга алоҳида эътибор берди.

У Самарқанд теварагида бир талай чиройли шаҳарчалар қурдирди ва уларга Миср, Дамашқ, Бағдод, Шероз, Султония деб от қўйди. Фикримизча, бу билан Темур Самарқандни жаҳоннинг ёруғ юлдузи, унинг теварак-атрофидаги шаҳарларни эса унинг атрофида айланиб турган йўлдош сайёра демоқчидек эди.

Амир Темур ота шаҳри Кеш (Шаҳрисабз)ни ҳам обод қилди. Бу ерда Дор-ут-тиловат (Қуръон тиловат қилинадиган уй) деб аталувчи жамоат биноси қурдирди. 1370 йили бу ерга Темур отасининг пири Шамсуддин Кулолни дафн эттирган.

Шаҳрисабзда Амир Темур қурдирган (1380-1404) энг катта ва машҳур бино бу Оксаройдир.

Амир Темур тариқат пешволари, Яссавия тариқатининг намоёндаларини ҳам ҳурмат қилган. Тошкент яқинида бино этилган Занги ота ва унинг турмуш ўртоғи Анбар она мақбаралари – бу ҳурматнинг бир белгисидир.

Занги отанинг ҳақиқий исмини топинг?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|   |   |   |
|---|---|---|
| и | б | н |
|---|---|---|

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

Президент асарда илм-фан ва маданият салтанат учун озуқа эканлигини қайд этиб,. буни Амир Темур яхши билганлигини ёзади. Шунинг учун ҳам у олим ва фозил кишиларни ўзига дўст тутган, уларнинг иззат-ҳурматини ўрнига қўйган, давлатни идора қилишда уларнинг кенгаш ва маслаҳатларидан фойдаланган.

Ибн Арабшоҳнинг айтишича, Темур шоирлар ва ҳазил-мутойиба аҳлидан кўра олимларни кўпроқ хуш кўрарди.

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ўз саройига етук олимларни, хусусан, фақиҳларни, математика, астрономия, тиббиёт, фалсафа,

тарих, мусикашунослик, илми аруз фанларининг етук намоёндаларини тўплаган.

“Ҳақиқий қаҳрамонлик ҳар куни, ҳар соатда фидоий бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик қандай мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонликдир”, деб айтган эди Президент И.А.Каримов?

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

|   |   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|---|
| м | е | з | о | н | и |
|---|---|---|---|---|---|

Президент асарда машҳур археолог, академик Яҳё Ғуломов жасоратига тўхтаб, у ўз даврининг фидоий алломаси бўлган, у ўзининг мустақил фикрига эга, керак бўлса, юқори лавозим эгаларига ёқмайдиган тўғри гапларни ҳам дадил айта оладиган улкан олим эди, деб ёзади.

Тарихчилар яхши билади, одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар қолдиқлари ястанган бўлади. Шўро даврида, фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда анна шундай қадимий тепаликларни ҳам текислаб, пахта даласига айлантиришдек беъмани сиёсат авж олган эди. Бундай номаъқул ишга жасур олим Яҳё Ғуломов қарши чиққанини, бу инсон ўзининг қалбидаги маънавий жасорат ҳисси туфайли ҳаётий ва илмий қарашларида собит турганини маданий жамоатчилигимиз яхши билишини хотирлайди муаллиф.

Адолатни ҳамма нарсадан устун биладиган, тарих ва келажак олдидаги масъулиятни ҳис этадиган, ҳақиқий қандай одамгина шундай мардликка қодир бўлади?

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Ўз шеърлари, бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атоқли шоирамиз **Зулфияхоним**ни ҳам Президентимиз фидоий инсонлардан бири деб, жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу закosi, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида

миллионлаб шеърят мухлисларини одамийлик ва садоқатдан сабоқ берганлигини алоҳида таъкидлайди.

Ғам-андух ва ҳасратларни матонат билан енгиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланган Зулфия опа сингари аёллар ҳар қандай ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир, деб ёзади муаллиф.

Маънавий жасорат соҳибларидан яна бири атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддиновнинг ҳам қалб жасоратига халқимиз тан беради, деб қайд этилади асарда.

1997 йилнинг ёз ойларида қанд касаллиги зўрайиб, домла оғир операцияни бшидан ўтказди, врачлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бир оёғини кесишга мажбур бўладилар. Кейинчалик касаллик кучайиб, Озод ака иккинчи оёғидан ҳам жудо бўлди. Бу ҳам етмагандек, кўриш қуввати ҳам ниҳоятда заифлашиб қолади.

Асарда таъкидланишича, ана шундай оғир шароитда ҳам бу инсон бир журналнинг бош муҳаррири сифатида ўз бурчига, эътиқодига содиқ қолиб, лупа ёрдамида журнал материалларини таҳрир қилиб бориш билан бирга, қирқдан ортиқ йирик роман ва қиссаларни ўзбек тилига таржима қилгани, албатта, ҳар қандай одамни ҳайратга солиши табиийдир. О.Шарафиддинов қайси журнал бош муҳаррири эди?

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

Асарда ўзини ўзбек халқининг фарзанди деган ҳар қандай инсон ана шундай фидоий юртдошларимиз билан чексиз фахрланиши, униб-ўсиб келаётган болалари, шогирдарига маънавий жасорат тимсоли сифатида айнан мана шундай одамларни намуна қилиб кўрсатилиши лозимлиги таъкидланади. Халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуғ туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади.

Шу маънода, Президент И.А.Каримов юртимизда амалга оширилган буюк бир ютукни халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунаси эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Бу қандай ютук?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Президент асарининг **хотима** қисмида маънавиятнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига якун ясаиб, маънавий юксалишга эришиш – бу бир йиллик ёки беш-ўн йиллик иш эмас, балки халқ, миллат ўз миллий маънавиятини йиллар, асрлар давомида юксалтириб, бойитиб боришига эътибор қаратилади. Чунки маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдида қўйиладиган янги-янги талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади.

Муаллиф “Замон суръатлари шиддат билан тезлашиб” муаммолар ортиб, кўпайиб борар экан, “табиийки, маънавий ҳаётимизда ҳам ана шу синовларда тобланиб, юксалиб, жамиятимиз, миллатимизнинг ёруғ ва соғлом келажагини ҳар қандай ўзгаришлардан безавол сақлаш ва яна нима қилишга қаратилган ҳаракатлар бўлаверади, деб ўқтиради?

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|

Муаллиф ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, “биз киммиз?” деган саволга жавоб бермасдан туриб, энг муҳими, маънавий бойликни, маънавиятни юксалтиришга доимий интилмасдан туриб, олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Асар хотимасида халқ ҳаёти бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан бир нарсага қиёсланади. Халқнинг бу нарсасини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди. Нега деганда, халқнинг қалбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч, маънавият бор”, деб таъкидланади, асар хотимасида.

Бу улкан бир насага қиёсланиб, уни ҳеч қандай куч ортга қайтараолмайдиган наса нима?

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

## **БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ**

### **I**

Гарови, ўзибўларчилик, маънавий таҳдид, маънавият, мезон, руҳияти, тадрижий, уйғунлик, чумчукдан кўркиб тарих экмас, кадрли ва муқаддас, миллий тарбия, босмачи, бетакрор, таълим – тарбия.

### **II**

Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал, ҳиммат, ғоялари, сиймолари, Улуғбек, оила, изчиллик, туташади, ҳақиқат, кўнгил подшоҳ, ақл вазир, методологик, миллат байрами, авлиёларнинг авлиёси, юксак туйғулар, ўтган кунлар, умуммиллий, самара.

### **III**

Зиддиятларсиз, моддий, мафкура, кушнинг икки қаноти, инсоний, ўзбек модели, меҳнат, жамият, мулкдор, ободончилик.

### **IV**

Динлараро бағрикенглик, маънавий, йўли, байроқ, эркин, лоқайд, иймон – эътиқод, интеллектуал, етуклик.

### **V**

Қадрият, Ватанга муҳаббат, тафаккур, маънавий мероси, ғурури, юксак маънавият, тадрижий ислоҳотлар, пойдевор.

### **VI**

Дахлдорлик, турмуш тарзи, мазмун ва моҳияти, ислом дини, очиқ, тайёрга айёрлик, геостратегик, инсон манфаати.

### **VII**

Ҳаётий, узлуксиз, масъулият, башарият, одил жамият, эҳтиёж, глобаллашув феномени, исломий, бефарқ, муқаддаслиги, соғлом, ибрат, қудрат.

### **VIII**

Сотқинлик, маъмурий, иммунитет, хилма – хиллиги, маънавий – руҳий, янгича фикрловчи, уйғун, мустақил тафаккур.

## IX

Маънавий эҳтиёжи, ижод аҳли, виждон амри, боқий, миллий эстрада, бадий юксак, миллий, эл юрт таянчи, юксак маънавият енгилмас куч, миннатдорлик, мактаб кўрган, мактаб яратган, муносиб, одобли, от ўрнини той босар, онгли равишда, бузгунчи мафкура, кечиктирилса, рағбатлантиради, тўртинчи ҳокимият, мафкуравий иммунитет, ўзликни англаш, аксилтарғиботни, миллат, миллий эстрада, ибратхона, ижтимоий.

## X

Эзгулик ва маърифат, уммон, маънавий, истиқболи, хива бальзами, Нажмиддин Кубро, неъматуллохия, ўрта ер, хазина, кўксарой, бўстонсарой, Ойхўжа ибн Тошхўжа, фаолият, ватанпарвар, жаҳон адабиёти, миллий мустақиллик, асраб қолиш, карвон.

## МУНДАРИЖА

|                                                   |    |
|---------------------------------------------------|----|
| Кириш .....                                       | 3  |
| Кириш. Маънавиятни англаш.....                    | 8  |
| Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар..... | 16 |
| Маънавият ва моддий ҳаёт уйғунлиги.....           | 26 |
| Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт.....                  | 32 |
| Маънавият ва жамиятнинг янгилиниши.....           | 37 |
| Ислохотлар ва уларнинг маънавий мезони.....       | 41 |
| Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар..... | 48 |
| Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя.....           | 56 |
| Инсон қалбига йўл.....                            | 61 |
| Энг буюк жасорат. Хотима.....                     | 75 |

**Қўлдош Эргашев, Исмоил Шодмонқулов**

**Президент И.А.Каримовнинг**

**“Юксак маънавият енгилмас куч”**

**асарини ўрганиш**

**Ўқув – услубий қўлланма**